БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 122

30 ИЮЛЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Г. М. Маленков Индонезия республикасининг элчиси Субандрионо қабул қилди (1-нчи бет).

Хитой Халқ Республикаси Давлат Ма'мурий Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-лайнинг Москвага келиши (1-нчи бет).

Чжоу Энь-лай ва Фам Ван Донгнинг Москвада бўлиши муносабати блан В. М. Молотов ҳузурида қабул маросими (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **С. Исмоилов.** — Янги ўқув йилини пухта тайёрлик блан кутиб олайлик (2-нчи бет).

А. Олимжон. — Поэтик маҳоратни тинмай оширайлик (2-нчи бет).

Ҳосилдан қолаётган ғўзани қўшимча парвариш қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилишини та'минлайлик! Т. Орипов. — Бўкада ғўза парвариши ҳамон суст (3-нчи бет).

ОЧЕРК. **Ф. Са'дуллаев.** — Ҳосил (3-нчи бет).

Редакция почтасидан (4-нчи бет).

КИНО. **Ж. Маликов.** — Ҳуш'ёрликка ўргатучи фильм. (4-нчи бет).

Финляндия сейми делегациясининг Москвага келиши (4-нчи бет).

Совет ҳукуматининг нотаси ҳақида инглиз матбуотининг ёзганлари (4-нчи бет).

ГДР даги антифашист демократик партиялар ва оммавий ташкилотлар демократик блокининг баёноти (4-нчи бет).

Республикамиз юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан нишонлайлик

Мамлакатимиз ҳаётидаги ҳарбир тарихий воқиани, улуғ айём кунларини янги меҳнат зафарлари блан нишонлаш — ижодкор ва қудратли халқимизнинг шонли традициясига айланган. Шу кунларда областимизнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари, колхозчилари ва интеллигентлари республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби шу йил декабрь ойида ўтказиладиган Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олиш учун тайёрланмоқдалар. Саноат корхоналарида, кўмир конларида, темир йўл транспортида, қурилишларда, колхоз, совхоз ва машина-трактор станцияларида кенг миқёсда авж олиб кетган юбилейолди социалистик мусобақаси халқимизнинг илҳомбахш ижодий меҳнатини, коммунизм ишига бениҳоя садоқатини ёрқин намойиш қилмоқда.

Тошкент машинасозлари ва тўқучилари, Бекобод металлургилари, Чирчиқ химиклари, Оҳангарон кончилари, Янгийўл пойафзалчилари, Ховос ғаллакорлари, шонли пахтакорларимиз юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олмоқдалар.

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ярим йиллик топшириқ муддатидан илгари бажарилди, ўтган йилнинг худди шу даврига қарганда пландан ташқари 2 миллион сўмдан ортиқ турли хил маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган вақт ичида меҳнат унуми плондагига нисбатан 6 процент ошди. Фабрикининг юзлаб илғор ишчилари ҳозирнинг ўзидаёқ бешйиллик нормаларини бажариб қўйдилар.

Чирчиқ шаҳридаги тикучилик фабрикасининг коллективи Совет Ўзбекистонининг шонли 30 йиллик байрамини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш мақсадида маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини тобора камайтириш учун мусобақани кенг қизитиб юборди. Фабрикининг ишчилари 6 ойлик топшириқни муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 422 минг сўмлик юқори сифатли кийим-кечак тайёрлаб бердилар. Июль ойининг 20 кунлик плани ҳам ошириб бажарилди. Тикучилик фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари республикамиз юбилейини йиллик давлат планини тўла ва ошириб бажариш блан нишонлаш, пландан ташқари бирнеча юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор бердилар.

Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг меҳнаткашлари ҳам Совет Ўзбекистонининг 30 йиллигини меҳнатда янги ғалабалар блан кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар. Оржоникидзе МТСининг механизаторлари ғўзани культивация қилиш ва суғориш эгатлари олиш юзасидан йиллик планга нисбатан энг юқори процентга эришганликлари, ҳарбир чопиқ агрегати блан кунлик ер ишлашда юқори кўрсаткичларга эришганликлари, ишни сифатли қилиб бажарганликлари учун 10 июльдан 20 июльгача бўлган ўнкунликда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар. Ховос, Гулистон, Бўка ва Юқоричирчиқ районларининг колхозлари давлатга ғалла топшириш планини ошириб бажардилар. Ховос ғаллакорлари бу йил ўтган йилга қараганда давлатга 7600 центнердан кўп ғалла топширдилар.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақанинг жуда катта муваффақият қозонаётганлигини, ишлабчиқариш новаторлари ва илғорларининг сафи тобора ўсаётганлигини кўрсатучи бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий вазифаси — юбилейолди социалистик мусобақасини янада кучайтириб, бу мусобақанинг оммавийлиги ва та'сирчанлиги учун кураш олиб боришдан, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий ғайрат ва ташаббусини ҳартарафлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилмаган ва ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармаган биронта ишчи ва колхозчи, корхона ва колхоз, совхоз ва МТС қолмасин. Партия ва комсомол ташкилотлари, коммунист ва комсомоллар бу мусобақани уюштиришда шахсан намуна кўрсатсинлар ва етакчилик қилсинлар. Мусобақанинг бутун кучи ва та'сири асосий масалага—республикамиз юбилейини саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар блан кутиб олишга, давлат планларини ҳамма кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажаришга қаратилиши керак.

Областимиздаги илғор саноат корхоналарининг коллективлари Москва саноат корхоналарининг ташаббусига қўшилиб, йил бошида 1954 йил ишлабчиқариш давлат планини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олган эдилар. Бу мажбуриятни шараф блан бажариш область саноат ходимларининг республикамиз юбилейига муносиб совғаси бўлади. Саноат корхоналарининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик ходимлари олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини та'минлашлари, бунинг учун барча резервлардан ва ички имкониятлардан тўла фойдаланишлари, машина ва ускуналарнинг унумли ишлашига эришишлари, меҳнат унумини тинмай ошириб боришлари керак.

Юқоричирчиқ ва Янгибозор жут-канап заводларида ишчиларнинг чинакам социалистик мусобақаси уюштирилмаган, олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги ўзаро текширилмайди, илғорлар тажрибаси оммалаштирилмайди, кўп ишчилар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини билмайдилар. Шунинг учун ҳам бу заводларда меҳнат унуми паст, ишлабчиқариш планлари ой сайин бажарилмаётир. Завод партия ва касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани йўлга қўйишда фаолиятсизлик кўрсатмоқдалар. Юқоричирчиқ район партия комитети ҳам жут-канап заводлари партия ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини ошириш учун зарур тадбирлар кўрмаётир.

Социалистик мусобақа тобора кўпроқ оммавий тус олаётган ҳозирги пайтда партия ташкилотлари бу мусобақага амалий раҳбарлик қилишлари, тузилган мусобақа шартномаларининг бажарилишини ўзаро текшириб бориш йўли блан мусобақа қилучиларнинг илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришлари, қолоқларни кескин танқид қилишлари керак. Ҳарбир совет кишисининг қалбида янги ғайрат ва ташаббус уйготиш, уларни янги муваффақиятларга эришишга сафарбар этиш лозим.

Пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш, бу йил давлатга камида 500 минг тонна пахта етказиб бериш — область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бўюк ватанпарварлик бурчи. Совет Ўзбекистонининг 30 йиллик тўйига жуда муносиб тўёнадир. Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правленилари, МТС ва совхоз директорлари ғўза парваришини ана шу юксак мажбуриятга яраша уюштиришлари, барча майдонлардаги ҳарбир туп ғўзада мўл ҳосил тўпланишига эришишлари керак. Колоқ участкалардаги ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, олдинги ғўзаларга етказиб олиш, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришидаги қолоқликни тезликда тугатишга тўла сафарбар этиш, август ойида ҳам экинларни парвариш қилишни бўшаштирмасдан давом этдириш блан йиғим-терим ишларига пухта тайёргарлик кўриб бориш — шу кунниг жанговар вазифасидир Бу йилги ишларнинг ҳажми ниҳоятда катталигини, пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг ҳарқандай шароитда бўлса ҳам бажарилиши шарт эканлигини ҳарбир пахтакорга пухта тушунтириш керак.

Маҳаллий партия ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейи муносабати блан меҳнаткашлар ўртасида оммавий-агитация ишларини янада кучайтириб юборишлари, улар ўртасида социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, меҳнат ғайратини вужудга келтиришлари, шонли юбилейни муносиб меҳнат совғалари блан нишонлаш учун курашга оммани отлантиришлари керак. Коммунистик партия ва Иттифоқ ҳукуматининг кундалик раҳбарлиги ҳамда ёрдами блан, улуғ рус халқининг оғаларча меҳрибонлиги туфайли Совет Ўзбекистонининг тарихий жиҳатдан ғоят қисқа муддат ичида мислсиз катта ютуқларга эришганлигини, социалистик саноати ва қишлоқ хўжалиги тез сур'атлар блан тараққий этаётган, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданияти барқ уриб юксалаётган илғор республикага айланганлигини кенг пропаганда қилиш керак.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейини халқ хўжалигининг барча тармоқларида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритиш блан нишонлайлик, ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигентлари ўртасида юбилейолди социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарайлик!

Г. М. МАЛЕНКОВ ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭЛЧИСИ СУБАНДРИОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

28 июльда СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков Индонезия Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Субандриони қабул қилди.

В. М. Молотов Чжоу Энь-лайни қабул қилди

28 июльда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов Хитой Халқ Республикаси Давлат ма'мурий Кенгашининг бош министри ва Ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лайни қабул қилди.

В. М. Молотов Фам Ван Донгни қабул қилди

28 июльда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг Ўринбосари Фам Ван Донгни қабул қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига

Звено бошлиғи Қушимовнинг меҳнат соҳасида эришган муваффақиятлари

ТУЙТЕПА. (Тошкент области). (ЎзТАГ). «Ленин йўли» қишлоқ хўжалик артелининг тажрибали пахтакор Дўсбой Қушимов бошлиқ звеноси Ўртачирчиқ районида биринчилар қаторида ғўзани чеканка қилишга киришди. Колхозчилар бу муҳим агротехника тадбирини ўз вақтида амалга оширмоқдалар. Ғўзалар жуда яхши ривожланиб, кўп шона ва кўсак тўплаган. Бунга ғўзаларни меҳр блан парвариш қилиш туфайли эришилди. Звено ғўзаларни агротехника жиҳатидан энг яхши муддатларда тўрт марта культивация ва тўрт марта чопиқ қилди, уч марта суғорди. Далалар моҳирлик блан — чуқур эгатлар орқали сувни жилдиратиб оқизиш йўли блан намлатилмоқда. Озиқлантириш ҳарбир қатордаги ғўзаларнинг талабига қараб ўтказилди.

Қушимовнинг меҳнат соҳасидаги муваффақиятлари звено бўлиб ишлашни тўғри ташкил қилиш натижасида қўлга киритилди. Звенода ҳарбир колхозчи томонидан бажарилган ишларнинг сифати аниқ ҳисобга олинади. Звено бошлиғи ўз участкасида ишловчи механизаторлар олдига ҳам юксак талаблар қўймоқда, ғўза қатор ораларини ишлаш вақтида агротехника қоидаларининг бузилишига йўл қўймайди.

Қушимов бошлиқ звено колхозчилари бу йил гектаридан 90 центнердан, я'ни ўтган йилдагига қараганда ўн центнер кўпроқ ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Пахта ҳосили юзасидан яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Дўсбой Қушимов Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси қилиб тасдиқланди.

Мусобақа натижалари

Чирчиқ шаҳридаги пойафзал фабрикасининг коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш, кўплаб хомаш'ё тежаш учун курашиб, Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ҳарбир ишчи ўзига берилган топшириқни сифатли қилиб бажариш учун ишлабчиқариш технологиясига тўла риоя қилгани ҳолда ишламоқда. Кўплаб хомаш'ё ва ёрдамчи материалларни тежаш учун бошланган социалистик мусобақада К. Чурикова бошлиқ 3-нчи бичув цехининг коллективи олдинда бормоқда. Н. Вишнякова, А. Қорикиян, А. Маматова, Аҳмедова каби илғор бичувчиларнинг ҳарбири ўтган ойлар ичида 400 — 450 дециметрдан чарм тежадилар.

Цех мастери Мария Рубенович ёш ишчи хотин-қизларнинг малакаларини ошириш ва уларнинг илғор ишчилар бўлиб етишишларига алоҳида э'тибор бермоқда. Д. Тулпино, З. Искандарова каби бирнеча ёш хотин-қиз ишчилар ўртоқ Рубиновичнинг қўлида қисқа вақт ичида ҳунар ўрганиб чиқдилар.

Фабрика коллективи июнь ойи топширигини 105,6 процентга етказиб бажарди.

Хомаш'ёни тежаш учун бошланган мусобақа ўзининг яхши натижаларини бермоқда. 1954 йилнинг биринчи ярмида ҳаммаси бўлиб 2,9 процент чарм тежалди. Бу тежалган хомаш'ёдан 80 минг сўмлик 5 минг жуфт оёқ кийими тайёрланди.

Шу кунларда фабриканинг меҳнатсевар коллективи Совет Ўзбекистонининг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан тайёрлаш ишларини янада кучайтириб, бу мақсадида ҳарҳачонгидан ҳам унумли меҳнат қилмоқда.

Т. ЎРУНОВ.

Пландан ташқари 2 миллион 942 минг сўмлик маҳсулот

Тошкентдаги консерва заводининг коллективи Ўзбекистон республикасининг шонли 30 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб, социалистик мусобақани оммавий равишда қизитиб юборди.

Корхона коллективи ички имкониятлар ва ускуналар кучидан тўғри фойдаланиш блан юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Завод 6 ойлик ишлабчиқариш планини ошириб бажарди. Иste'молчиларга пландан ташқари 2 миллион 942 минг сўмлик консерва маҳсулоти тайёрлаб берилди. Қулубнай ва малина каби мевалардан эса 99 минг банка консерва ишлаб чиқарилди.

Бу ерда меҳнатда эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун бошланган мусобақа натижаларининг ўз вақтида текширилиши ва кўрсаткич тахталарга мунтазам ёзиб борилиши илғорлар сонининг кун сайин кўпайишига ёрдам берди. Натижада июль ойининг 15 кунлик плани барча кўрсаткичлар бўйича тўла бажарилди. Пландан ташқари 200 минг сўмлик турли консерва тайёрланди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати ҳам яхшиланмоқда.

Заводнинг ишчи ва мутахассис ходимлари давлат планини барча турлари бўйича бажариш учун курашмоқдалар. Коллектив фақат кейинги ойлар ичида 2 тонна қанд, 50 минг киловатт-соат электр қуввати ва 60 тонна кўмир тежади.

Яқинда завод план бўлимининг бошлиғи ўртоқ Грантнинг ташаббуси блан соатлик график асосида ишлаш жорий этилди. Бу самарали натижалар бермоқда. Мева цехининг ўртоқ Нина Маслова бошчилигидаги смена ишчилари юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун цех кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтириш мусобақасининг илғорларидан Турсун Низомхўжаева, Ольга Кавязова, Хатира Мирназарова каби ишчилар соатлик график асосида ишлаб, кундалик топшириқларни 140—150 процентга етказиб бажараётирлар.

Завод коллективи байрамолди вахтасида туриб, ҳар куни пландаги 30 ўрнига 40 — 50 минг банкадан консерва тайёрлаб бермоқда.

Юк ташиш таннархи камайтирилмоқда

Тошкент темирйўлчилари коллективи шу кунларда юк ташиш таннархини янада камайтириш ва умуман йўл ишларининг рентабельлигини та'минлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Улар юк ташишдан келаётган қўшимча даромадларни паровозларнинг капитал ремонти ва капитал қурилиши учун, шунингдек барча эксплуатацион харажатлар учун сарфламоқдалар. Шу блан бирқаторда, иқтисод қилинган ўн минг сўмлаб пул маблағларини давлат бюджетига ўтказмоқдалар. Бешинчи бешйилликнинг уч йили ичида Тошкент темирйўлчилари давлат бюджетига 500 миллион сўмга яқин пул ўтказдилар.

Фидокор коллектив барча имкониятлардан рационал фойдаланиб, юк ташиш таннархини шу йил ичида 2 процент камайтириш ва давлатга янада кўпроқ фойда келтириш учун курашмоқдалар.

Мўл-кўл мева ҳосили етиштирилмоқда

Ленин номли колхоз Қорасув районида йирик сабзавотчилик колхозларидан ҳисобланади. Колхоз а'золари шаҳар меҳнаткашларини картошка, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари блан бирга олма, узум, ўрик, анжир ва бошқа хил мевалар блан ҳам етарли миқдорда та'минлаш мажбуриятини олганлар.

КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг тарихий қарорларидан руҳланган колхозчилар экин майдонларини ва боғ-майдонларни анча кенгайтиришга мувофиқ бўлдилар.

Колхознинг 330 гектар боғи 400 гектаргача кенгайтирилди. Бу йил яна ўн гектар янги ер очилиб, бунга ҳам олма, шафтоли, анжир кўчатлари ўтқазилди, янги узумзор барпо этилди.

Колхоз боғини янада обод қилиш ва мевали дарахтларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш мақсадида колхоз правлениеси бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, бешта боғ бригадаси ташкил қилинди, бунга энг яхши тажрибали соҳибкор боғбонлар беркитилди. И. Қозоқбоев, К. Раҳимжонов, Ш. Рустамов ва М. Юнусов ўртоқлар ана шулар жумласидандир. Ана шу соҳибкорларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли колхозда турли мевалардан йилдан-йил мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 40 тоннага яқин олча, гилос, олма каби эрталпишар мевалар колхоз бозорларига чиқарилиб шаҳар меҳнаткашларига сотилди.

Яқин кунлар ичида колхозда Ватанимизнинг пойтахти Москвага, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларига, шунингдек партиямиз чақириғи блан янги ерлар ўзлаштирилаётган Қозоғистонга ва Олтой ўлкасига кўплаб мева юборилди.

Р. МУҲСИМОВА.

Пландан ташқари маҳсулот

Тошкентдаги «Қизил юлдуз» артелининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қароридан илҳомланиб, ярим йиллик ишлабчиқариш планини муддатидан илгари тўла бажарди. Пландан ташқари 18554 сўмлик маҳсулот топширилди.

Артельда кун сайин авж олдирилаётган ҳаммаси бўлиб 2,9 процент чарм тежалди. Бу тежалган хомаш'ёдан 80 минг сўмлик 5 минг жуфт оёқ кийими тайёрланди.

Шу кунларда фабриканинг меҳнатсевар коллективи Совет Ўзбекистонининг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан тайёрлаш ишларини янада кучайтириб, бу мақсадида ҳарҳачонгидан ҳам унумли меҳнат қилмоқда.

Т. ЎРУНОВ.

процентга етказиб бажараётган илғор тикучилардан Хатира Саидова, Моҳира Зокирова, Роза Мусина ва Маҳбуба Абдурашидова ўртоқлар каби ўнлаб ишчилар шулар жумласидандир.

Артельда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. 3-нчи цех бошлиғи Р. Қаландаров, 4-нчи цех бошлиғи Ҳамдам Абдуллаев ўртоқлар цех ишчиларига кундалик газета ва журналлардан турли янгиликларни ўқиб берадилар.

Ярим йиллик планни муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари маҳсулот топширган артель коллективига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари совети томонидан кўчма Қизил байроқ тақдим этилди.

Қ. ҲИКМАТОВ.

Хитой Халқ Республикаси Давлат Ма'мурий Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-Лайнинг Москвага келиши

28 июльда Хитой Халқ Республикаси Давлат Ма'мурий Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-лай Москвага келди. У блан бирга Хитой Халқ Республикаси Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари Чжан Вянь-тянь, Ван Бин-нань, Чень Цзя-кан, Ши Чже ва бошқалар ҳам келдилар.

Аэродромда Чжоу Энь-лайни ва унинг ёнидаги кишиларни СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. А. Зорин, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси П. Ф. Юдин, Москва Советининг Раиси М. А. Яснов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Ўзоқ Шарқ Бўлими Мудири вазифасини ижро этучи И. Ф. Курдюков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлими Мудирининг Ўринбосари А. Н. Капустин, Москва шаҳри Коменданти вазифасини ижро этучи полковник В. Н. Ковалёв ва бошқалар кутиб олдилар.

Аэродромда Чжоу Энь-лайни ва унинг ёнидаги кишиларни Вьетнам Демократик Республикаси Бош Министрининг Москвада бўлган Ўринбосари Фам Ван Донг ва Хитой Халқ Республикаси Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари Ван Цзясян ҳам кутиб олдилар.

Делегацияни кутиб олиш вақтида Хитой Халқ Республикаси Элчихонасининг ХХР Муваққат Ишлар Вакили Вэнь Нин бошчилигидаги дипломатия состави, Швециянинг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Р. Сульман, Венгрия Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси А. Складан, Бирма Иттифоқининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Монг Он, Вьетнам Демократик Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Нгуэн Лонг Банг, Ҳиндистон Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси К. П. Ш. Менон, Чехословакия Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Я. Вошаглик, Албания Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси М. Прифти, Болгария Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси К. Т. Луканов, Индонезия Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси Субандрио, Руминия Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси И. Раб, Даниянинг Фавқулодда Вакили ва Муҳтор Министри Х. Хергель, Швейцариянинг Фавқулодда Вакили ва Муҳтор Министри Э. де Халлер, Корея Халқ Демократик Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили Пак Док Хван, Польша Халқ Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили А. Малэцкий, Германия Демократик Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили К. Зейц, Мўғулистон Халқ Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили Л. Тойбо ва шунингдек мазкур мамлакатлар Элчихоналари ва Миссияларининг а'золари қатнашдилар. (ТАСС).

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ В. И. ЛЕНИН ВА И. В. СТАЛИН МАВЗОЛЕЙИНИ БОРИБ КЎРДИ

Женева кенгаши ишларида қатнашган ва ҳозирги вақтда Москвада бўлган Вьетнам Демократик Республикаси Бош Министрининг Ўринбосари Фам Ван Донг бошчилигидаги Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси 28 июльда В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг Мавзолейини бориб кўрди ва Мавзолейга гулчамбар қўйди.

Делегацияни Вьетнам Демократик Республикаси Элчихонасининг Фавқулодда ва Муҳтор Элчи Нгуэн Лонг Ванг бошчилигидаги дипломатик состави кузатиб борди.

Гулчамбар қўйиш вақтида СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлимидан 1-нчи класс Маслаҳатчи М. Л. Мухин ҳозир бўлди. (ТАСС).

Чжоу Энь-лай ва Фам Ван Донгнинг Москвада бўлиши муносабати блан В. М. Молотов ҳузурида қабул маросими

Ташқи ишлар министрлари Женева кенгашида қатнашган Хитой Халқ Республикаси делегациясининг бошлиғи Давлат ма'мурий Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-лай ва Вьетнам Демократик Республикасининг бошлиғи Бош Министр Ўринбосари Фам Ван Донг Совет ҳукуматининг таклифиқ мувофиқ ҳозир Москвада турмоқдалар.

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов буларнинг шарафига 28 июльда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари В. А. Малишев, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, СССР Министрлари Г. Ф. Александров, С. Ф. Антонов, П. Я. Антропов, И. А. Бенедиктов, Б. П. Бещчев, Ф. Д. Вараксин, П. В. Деменьев, В. П. Елютин, А. Ф. Засядько, А. Г. Зверев, В. П. Зотов, Н. С. Казаков, А. И. Козлов, А. И. Костоусов, С. Н. Круглов, И. А. Лихачев, П. Ф. Ломако, Г. М. Орлов, А. С. Павленко, П. И. Паршин, Н. Д. Псурцев, Д. Я. Райзер, Н. С. Рижов, И. Т. Скиданенко, С. А. Степанов, С. М. Тихомиров, З. А. Шашков, П. А. Юдин, СССР Давлат банкининг раиси В. Ф. Попов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. Я. Вишинский, СССР Олий Судининг Раиси А. А. Волин, СССР Генерал Прокурори Р. А. Руденко, СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари Давлат комитети Раиси К. М. Соколов, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков, Флот адмирали Н. Г. Кузнецов, генерал-полковник И. А. Серов, ТАСС Мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, «Правда» газетасининг бош редактори Д. Т. Шепилов, «Известия» газетасининг бош редактори К. А. Губин, Москва область совети ижроия комитетининг Раиси А. П. Волков, Москва совети Раиси М. А. Яснов, СССРнинг Хитой Халқ Республикасидаги Элчиси П. Ф. Юдин, СССР министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, В. А. Зорин, К. И. Коваль, М. Р. Кузьмин, Н. Е. Твердохлебов, И. Г. Большаков, В. В. Мацкевич, Н. А. Гундобин, А. И. Шахурин, К. А. Вейнов, В. Н. Столетов, Г. С. Хламов, К. Я. Сергейчук, Г. А. Караваев, С. А. Скачков, С. В. Кафтанов, В. Т. Федоров, Н. Н. Миротворцев, Н. П. Охлопков, И. А. Стригин, А. П. Ефимов, Я. С. Волченко, А. В. Домрачев, В. А. Никифоров, А. М. Редькин, М. Н. Сухорученко, Е. Ф. Кожевников, А. С. Павельев, П. И. Кудрявцев, РСФСР Маориф министри И. А. Каиров, Авиация Маршали С. Ф. Жаворонков, Армия генераллари А. И. Антонов, В. В. Курасов, М. С. Малинин ва Г. К. Маландин, адмираллар Н. Е. Басистий ва В. А. Фокин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги, Ташқи Савдо Министрлиги, СССР Маданият Министрлиги, СССР Мудофаа Министрлигининг мас'ул ходимлари, жамоатчилик вакиллари, фан ва маданият арбоблари, совет ва четэл журналистлари қатнашдилар.

Шунингдек меҳмонлар орасида қуйидаги Муваққат ва Муҳтор элчилар ҳам ҳозир бўлдилар: Швециядан — Р. Сульман, Эрондан — Н. Арасте, Венгрия Халқ Республикасидан — А. Складан, Бирма Иттифоқидан — М. Он, Хитой Халқ Республикасидан — Чжан Вэнь-тянь, Вьетнам Демократик Республикасидан — Нгуэн Лонг Банг, Ҳиндистон Республикасидан К. П. Ш. Менон, Чехословакия Республикасидан — Я. Вошаглик, Аргентинадан — Л. Браво, Австриядан — Н. Бишофф, Албания Халқ Республикасидан М. Прифти, Буюк Британиядан — У. Хэйтер Грециядан — А. Д. Контумас, Мексикадан А. Р. Диас, Авгонистондан — Г. Я. Тарзи, Болгария Халқ Республикасидан — К. Т. Луканов, Индонезия Республикасидан — Субандрио, Канададан — Дж. Б. К. Уоткинс, Мисрдан — А. Эль Массри, Руминия Халқ Республикасидан — И. Раб, Фавқулодда Элчи ва Муҳтор Министрлари: Даниядан — Х. Хергель, Тайландан — Ш. Срестапутра, Швейцариядан — Э. де Халлер, Исландиядан — П. Торстейнссон, Суриядан — Ф. Хани, Муваққат Ишлар Вакиллари: Ироқдан — О. Эль Аани, Туркиядан — Д. Туналигил, Финляндиядан — Р. Энкель, Германия Демократик Республикасидан — К. Зейц, Исроил давлатидан — Е. Л. Гидеон, Нидерландлардан — М. З. Н. Виттевейн, Норвегиядан — С. Энеланд, Франциядан — Ж. ле Руа, Мўғулистон Халқ Республикасидан — Л. Тойбо, Корея Халқ Демократик Республикасидан — Пак Док-Хван, Польша Халқ Республикасидан — А. Малэцкий, Эфиопиядан — Ф. Шифферау, Покистондан — Махмуд Ахмад.

Қабул маросимида Женева кенгашида қатнашган Хитой ва Вьетнам делегацияларининг а'золари, Руминия Халқ Республикасининг Ташқи савдо министри М. Попеску, Финляндия сейми делегацияси а'золари ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Янги ўқув йилини пухта тайёрлик блан кутиб олайлик

Область пропагандистларининг малакасини ошириш бир ойлик курси яқинда ўз ишини якунлади.

Курсга областимизнинг район ва шаҳарларидан 330 киши қатнашди. Пропагандистларнинг малакасини ошириш ишига бу йил ўтган йилга нисбатан анча кўп эътибор берилди. Тингловчилар учун барча шароитлар яратиб берилиши орқасида машғулотлар уюшқоқлик блан ўтди.

Машғулотлар пропагандистларнинг бир ойлик курслари учун КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган программа асосида олиб борилди. Курсда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия ходимлари тайёрлаш мактабининг ўқитучилари ва шаҳардаги бошқа олий мактабларнинг ўқитучилари дарс бердилар. Физика-математика фанлари кандидати Маллин, философия фанлари кандидати Бобоев, ЎзССР Фанлар академиясининг илмий секретари, доцент Лунин, снёсий ва илмий билимлар тарқатучи Бутуниттифоқ жамиятининг а'зоси Черепанов ва бошқа ўртоқларнинг лекция ва суҳбатлари пропагандистларда катта таассурот қолдирди.

Курс машғулотлари рус ва ўзбек тилларида олиб борилди.

Пропагандистлар машғулотларга актив қатнашиб, ўтилган темаларни яхши ўзлаштирдилар. Абдуллаев, Бойбекова, Умаров, Гласс, Дузенович, Лапошко, Кисилев, Халилов каби пропагандистлар ўқиш программаларини ўзлаштиришда энг юқори кўрсаткичларга эга бўлдилар.

Курсни битиргланларнинг 50 процентини хотин-қизлар ташкил қилади. Сирдар'ё районидан келган Одилова, тошкентли Обидова, қорасувли Комиловалар бу йил биринчи марта снёсий ўқиш мактабларида пропагандистлик қиладилар.

Курс ўқучиларининг дам олиш кунлари кўнгилли ўтди. Кино-театрларга маданий юришлар ўтказилиб турилди, республикамиз пойтахтидаги йирик саноат корхоналарига, ўқув юртларига ва тарихий музейларга ташкилий равишда экскурсиялар уюштирилди.

Пропагандистларимизнинг жойларга бориб партия маорифи шохобчаларида ўқиш машғулотларини юқори савияда ўтказишларига курсда олган билимлари шубҳасиз катта ёрдам беради.

Область партия комитети пропагандист кадрларни қайта тарбиялашда яна бирмунча чоралар кўрди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қошида ташкил қилинган пропагандист семинарларининг раҳбарлари тайёрлаш бир ойлик курсини областимизнинг турли районларидан юборилган 48 киши битириб чиқди. Улар пропагандистлар ўртасида семинар машғулотлари олиб борадилар.

Областимизда малакали пропагандист кадрлар сони анча кўпайди. Каримов, Абдуллаев, Азизова каби пропагандистларимиз 12—14 йилдан бери пропагандистлик қилиб, бу соҳада катта тажрибага эга бўлганлар. Курс бу пропагандистларга ўз билимларини янада оширишда катта ёрдам берди. Район, шаҳар партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлимлари яхши пропагандистларнинг иш тажрибаларини кенг ёйишлари ва машғулотларнинг савиясини юқори даражага кўтаришга кўпроқ аҳамият беришлари лозим.

Пропагандист кадрларимиз курсда ва семинарларда олган билимлари блан қаноатланиб қолмасликлари керак. Улар системали равишда марксизм-ленинизм классикларининг асарларини қунт блан ўқиб, ўрганишлари ва ўз билимларини бойитиб боришлари зарур.

Пропагандист кадрлардан тўғри фойдаланиш ва уларга яқиндан ёрдам бериб туриш партия ташкилотларимизнинг жанговар ишларидан биридир. Афсуски, ҳали кўп район ва шаҳар партия комитетлари малакали пропагандистлар кучидан тўғри фойдаланмаётирлар, уларнинг тажрибаларини оммалаштирмаётирлар.

Ўтган ўқув йилида бир қатор район, шаҳар партия комитетлари ўқув йилига юзаки тайёрландилар ва бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйдилар. Айрим партия маорифи шохобчаларида машғулотлар уюшқоқлик блан бошланмади. Машғулотлар кўп вақт паст савияда ўтди, давомат қониқарсиз бўлди. Гулистон, Пискент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ районларидаги кўп снёсий ўқув мактаблари ва тўгаракларида ана шундай фактлар кўпроқ рўй берди.

Район партия комитетлари пропагандистлар иши устидан етарли контроллик қилмадилар. Уларга нисбатан талабчанлик кўрсатмадилар. Ба'зи пропагандистлар машғулотларга яхши тайёрланмаган ҳолда кирдилар. Улар қўйинча тема материалини китобдан ўқиб бериш блан чегараландилар.

Коммунистларнинг ихтиёрий равишда ўқишларига аҳамият берилмади. Қироатхонликка йўл қўйилди. Машғулотларнинг бундай ўтиши тингловчиларни зериктириб, давоматнинг пасайиб кетишга сабаб бўлди.

Ўтган ўқув йилида юз берган жиддий хатоларни 1954/55 ўқув йилида такрорлашга йўл қўймаслик керак.

Район, шаҳар партия комитетлари партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини уюшқоқлик блан бошлашда ёрдам беришлари керак. Бу ишда район партия комитетларининг инструкторлар группаси катта роль ўйнайдилар. Улар ўзлари хизмат қиладиган колхоз бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериб, снёсий ўқув тўгаракларини комплектлашда ҳарбир тингловчи блан яккама-якка суҳбатлашишлари ва уларнинг қобилиятларига, истакларига эътибор қилишлари зарур. Бу соҳада ихтиёрий ўқиш принципини амалга оширмоқ керак.

Район ва шаҳар партия комитетлари, уларнинг пропганда ва агитация бўлимлари партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини ҳартарафлама тайёрлик блан кутиб олиш ва дастлабки кундан бошлаб машғулотларнинг пухта ўтишини та'минлашда бошлағич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари, снёсий мактаб ва тўгаракларнинг иши устидан системали контроль ва раҳбарлик қилиб, бюро мажлисларида тез-тез шу ҳақдаги масалани муҳокама қилиб туришлари керак.

С. ИСМОИЛОВ,
Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

Завод партия ташкилотининг иши шаҳар партия комитети муҳокамасида

Яқинда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг бюроси «Ўзбексельмаш» заводи партия ташкилотининг қишлоқ хўжалиги учун янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларни тайёрлаш ҳамда бу соҳадаги давлат планларини ортиқсиз равишда бажариш — завод партия ташкилотининг партиявий-ташкилий ва партиявий-снёсий ишидаги бош масалага айланмаган.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг бюроси завод партия бюроси ва хўжалик раҳбарларининг ишини қониқарсиз деб топди ҳамда завод фаолиятини яхшилашга қаратилган тадбирларни белгилаб чиқди.

Қишлоқ хўжалиги учун янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларни тайёрлаш ҳамда бу соҳадаги давлат планларини ортиқсиз равишда бажариш — завод партия ташкилотининг партиявий-ташкилий ва партиявий-снёсий ишидаги бош масалага айланмаган. Ҳамма завқ блан ишламоқда.

Коммунистларнинг ихтиёрий равишда ўқишларига аҳамият берилмади. Қироатхонликка йўл қўйилди. Машғулотларнинг бундай ўтиши тингловчиларни зериктириб, давоматнинг пасайиб кетишга сабаб бўлди.

Ўтган ўқув йилида юз берган жиддий хатоларни 1954/55 ўқув йилида такрорлашга йўл қўймаслик керак.

Район, шаҳар партия комитетлари партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини уюшқоқлик блан бошлашда ёрдам беришлари керак. Бу ишда район партия комитетларининг инструкторлар группаси катта роль ўйнайдилар. Улар ўзлари хизмат қиладиган колхоз бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериб, снёсий ўқув тўгаракларини комплектлашда ҳарбир тингловчи блан яккама-якка суҳбатлашишлари ва уларнинг қобилиятларига, истакларига эътибор қилишлари зарур. Бу соҳада ихтиёрий ўқиш принципини амалга оширмоқ керак.

Район ва шаҳар партия комитетлари, уларнинг пропганда ва агитация бўлимлари партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилини ҳартарафлама тайёрлик блан кутиб олиш ва дастлабки кундан бошлаб машғулотларнинг пухта ўтишини та'минлашда бошлағич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари, снёсий мактаб ва тўгаракларнинг иши устидан системали контроль ва раҳбарлик қилиб, бюро мажлисларида тез-тез шу ҳақдаги масалани муҳокама қилиб туришлари керак.

С. ИСМОИЛОВ,
Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

КОМСОМОЛЛАРНИНГ ТАШАББУСИ

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қароридан илҳомланган Чиноз районидаги М. Горький номли колхознинг комсомол-ёшлари жамоат чорвачилиги учун ем-хашак жамғаришда яхши ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Табиий ўтлардан хашак тайёрлаш мақсадида 30 кишидан иборат комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилинди. Бригада бу йил яйловдан 350 тонна хашак тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Шунингдек комсомол-ёшлар кучи блан 95 гектар беда майдонини парвариш қилиш ва ҳар гектар ҳосилни 70 центнерга етказиш ишлари планлаштирилди.

Колхоз комсомол-ёшлари силос бостириш ишида ҳам актив қатнашадилар. Улар лавлаги, жўхори ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиш ишларини ҳам ўз зиммаларига олдилар.

Чорва биноларини қуришга ёрдам бериш учун комсомол-ёшлардан алоҳида группа ташкил қилинди.

М. Горький номли колхоз комсомол-ёшларининг бу ташаббусини райондаги бошқа колхоз комсомол ва ёшлари ҳам қўлламоқдалар.

М. ЮСУПОВ.

Олимларнинг Арктикадаги кўчиб юручи илмий станцияларга қилган сафари

СССР Фанлар академиясининг олимлар бригадаси Арктикадан Москвага қайтиб келди. Олимлар Арктикада қариб икки ҳафта туриб, «Шимолий қутб—3» ва «Шимолий қутб—4» кўчма станцияларнинг иккаласида ҳам бўлдилар. СССР Фанлар академияси Океанология институтининг директори география фанлари доктори В. Г. Корт ТАСС муҳбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Бизнинг олдимизга ҳар иккала станцияда олиб борилаётган илмий-текшириш ишлари программасини кенгайтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш вазифаси қўйилган эди. Биргаликда муҳокама қилиш натижасида геология, геоморфология соҳасида, шунингдек гидробиология соҳасидаги текшириш ишларини анча кенгайтиришга қарор қилинди.

Бу қўшимча ишлар Шимолий муз океанининг пайдо бўлиши тарихини ўрганишга ва унинг тагидаги рельефни аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беради. Шу вақтгача Шимолий муз океанининг қадимлиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган деб ҳисобланмоқда. Ҳолбуки унинг тарихини билиш бутун шимолий яримшарни ўрганиш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Станция ходимлари ҳозирги вақтда денгиз таги рельефини, сувнинг чуқур жойида яшайдиган жонворлар ва денгиз туби қатламларини ўрганиш ишларини олиб бормоқдалар. Океан тўби қатламларининг қалинлигига ва чуқур жойлардаги ҳаётнинг ривожланишига қараб, ҳамда бирқанча бошқа аломатларга қараб муз океанининг қачондан бери мавжуд бўлиб келаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш мумкин бўлади.

Шунингдек тадқиқотчилар қутб музларининг ривожланиш тарихига ва бу музларнинг ёшига ҳам эътибор бермоқдалар. Олинган ма'лумотлар ҳозирнинг ўзида, музларнинг кўчиб юриши анча мураккаброқ, уларнинг умри эса ҳозиргача ҳисобланиб келишига қараганда анча узунроқ, деган хулосани чиқаришга имкон беради.

Бундай қўшимча текшириш ишларини олиб бориш учун янги аппаратлар тайёрланади. Чунончи, СССР Фанлар академиясининг Океанология институти чуқур жойларда геологик ва биологик ишлар олиб бориш учун махсус ускуналар тайёрлаб беради. СССР Фанлар академиясининг Геофизика институти эса аниқ приборлар серияснни тайёрламоқда.

СССР Фанлар академияси бригадасининг а'золари орасида ҳархил ихтиосдаги олимлар бор эди. Кўчиб юручи станцияларнинг Академиянинг тўрт институти: Океанология, Микробиология, Геология ва Мерзлотоведение институтларининг илмий ходимлари бориб келдилар. Бригада қатнашчиларининг ҳаммаси станцияларнинг ходимларига ҳархил проблемалар юзасидан илмий консультациялар бердилар. Профессор А. Е. Крисс микроорганизмларнинг ҳаётини мустақил суратда кузатди. География фанлари доктори А. П. Шумский қутб музини кристаллоптик усулда текшириш блан қизиқди.

Кўчиб юручи станциялар бир-биридан 600 километрдан кўпроқ масофада жойлашган. Бу эса атрофдаги вазиятдан анча сезилиб турибди. «Шимолий қутб—4» станцияси районида оқ айиқлар, тюленьлар тез-тез пайдо бўлиб туради. Лагерь устида чайкалар ва кўчиб юрадиган қушларнинг галалари учиб ўтади. Сув ичидан қутб «тресочка»сини ва бошқа балиқларни овлаш мумкин бўлиб туради.

Шу блан бирга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ф. Трешников бошлиқ бўлган кўчиб юручи станция районида жонли ҳаёт кўринишлари жуда оз. Бу станция районида пуночка деган қутб қуши атиги бирнеча марта пайдо бўлган, холос.

В. Г. Корт сўзининг охирида бундай деди:

— Кўчиб юручи станцияларда уч ойдан кўпроқ вақтдан бери иш олиб борилмоқда. Ишлар аниқ план бўйича ва вақтдан максимал даражада фойдаланиб ўтказилмоқда Иккала лагерь ҳам тажрибали тадқиқотчилар блан та'минланган. Ҳамма завқ блан ишламоқда.

Лагерьнинг чуқур ўйлаб ташкил қилингаилиги диккатни жалб этади. Станциялар қулай палаталар ва йигма уйлар блан та'минланган, бу уйлар газ блан иситилади унда электр чироғлар ва радио бор. Иккала станция ҳархил текшириш ва кузатишлар ўтказиш учун янги асбоб-ускуналар блан та'минланган. Ишларнинг механизациялаштирилиши жисмоний меҳнат сарфлашни кесиш суратда қамайтиришга имкон берди. Станцияларда ҳафтада бир марта илмий-техника семинарлари ўтказилиб, буларда бажарилган ишлар якунланади ва қилинадиган ишларнинг планлари муҳокама қилинади. Бу ишларнинг ҳаммаси кўчиб юручи станциялар қимматли материалларни тўплайдилар, деб ишонч блан айтишга имкон беради.

Оржоникидзе районидаги МТСда 10 та пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилди. МТС ишчилари 15 августгача қолган 16 машинани ҳам ремонт қилиб бериш мажбуриятини олдилар. **Суратда:** ремонт бўйича кундалик топшириқни 130 процентга етказиб бажараётган механик-хайдовчи **С. Эргашев** ва тракторчи **Л. Ихлосов** ўртоқлар.

Л. Сельский фотоси.

Чирчиқ шаҳрида

МЕДИЦИНА ҲАМШИРАЛАРИНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Шаҳарда бундан икки йил илгари медицина ҳамширалари тайёрлаш икки йиллик мактаби очилган эди. Яқинда бу мактабни 30 дан ортиқ хотин-қиз битириб чиқди. 20 киши мактабни фақат а'ло баҳолар блан тамомлади. Булар орасида Царева, Федорова, Ўзбекова, Сафина каби хотин-қизлар бор.

Медицина ҳамшираларининг янги отряди республикамизнинг турли областларида ишлаш учун меҳнат йўлланмаси олдилар. Ҳаҳар марказий кутубхонаси ўқиш залининг мудири Н. Дубинина ва Юқори Социалистик шаҳарчасидаги кутубхона мудири Клейменова каби 6 киши республика снёсий-оқартув мактабини муваффақиятли равишда битириб чиқди.

Бу йил шаҳар кутубхоналарида ишлаётган хизматчилардан 10 киши ана шу мактабга бориб ўқийдилар.

КЕЛГУСИ ИЙЛЛАР ҲИСОБИГА

Электр пайвандчи Александр Волошановский «Средазхиммаш» заводида 10 йилдан бери ишлайди. У, технология қоидаларига тўла амал қилаётгани ва меҳнатни тўғри ташкил этаётгани туфайли иш сур'атини тобора оширишга эришмоқда. Натижада ишлабчиқариш новатори ўртоқ Волошановский 1954 йилнинг 6 ойи ичида 3 йиллик нормани бажариб, ҳозир келгуси йиллар ҳисобига маҳсулот бермоқда. Александр Волошановский томонидан пайванд қилинаётган компрессор трубалари фақат а'ло сифат блан қабул қилинаётир.

Ўртоқ Волошановский Ўзбекистон республикасининг 30 йиллигини йил охиригача яна уч йиллик ишлабчиқариш нормасини бажариш блан кутиб олмоқчи. Шу кунларда у смена топшириғини мунтазам равишда 300 процентдан ҳам ошириб бажармоқда.

О. ЛЕВАК.

Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни шарафига фотовиставка

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг клуби меҳнаткашларнинг маданий дам олиш жойига айланган. Бу ерда комбинат илғорларнинг ижодий ишини кўрсатучи рақамлар, новаторларнинг расмлари қўйилган.

Комбинат темирйўлчилари вагонларнинг бекор туришини қисқартириш мусобақасини қизитиб юбордилар. Улар темирйўлчилар куни шарафига ажойиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар. Яқинда клуб хизматчилари комбинат темирйўлчилари блан биргаликда Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни шарафига фотовиставка ташкил этдилар. Бунда совет машинистлари ва темирйўлчиларнинг ижодий меҳнатда эришган ажойиб ютуқларини кўрсатучи турли расмлар бор.

Поэтик маҳоратни тинмай оширайлик

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИНИНГ УЧИНЧИ С'ЕЗДИ ОЛДИДАН

Совет тузуми сўз сан'атининг ривожланишига ҳартарафлама кенг имконият яратиб берди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг мамлакатимиздаги ҳамма миллат ва катта-кичик халқларнинг янги типдаги бадиий адабиёти вужудга келди, миллий республикаларнинг барчасида совет адабиёти ҳодимларининг янги отряди пайдо бўлди.

Дунё'да энг илғор, энг прогрессив ва энг гоявий адабиёт бўлган совет адабиёти марксизм-ленинизм та'лимоти асосида, шонли Коммунистик партия раҳбарлигида тез сур'атлар блан ривожланди. Партиямизнинг чексиз ғамхўрлиги туфайли кўп миллатли совет адабиётида коммунистик партиявийлик, гоявийлик юксак чўққиларга кўтарилди. Сан'аткорларимиз социалистик воқ'ликдан илҳомланиб ва бахраманд бўлиб, совет кишиларининг коммунизм иши учун кураши ва меҳнатини социалистик реализм методи асосида тасвирлаб бериш маҳоратини кундан-кунга мукаммалроқ эгаллаб бормоқдалар. М. Горький, В. В. Маяковский каби улуғ устоз ёзучиларнинг бадиий маҳорати совет ёзучиларининг ижодий ишида йўл кўрсатиб беручи юлдуздек хизмат этмоқда.

Совет адабиётининг таркибий қисми бўлган ўзбек совет адабиётининг ҳам кўпсонли ёзучилар отряди майдонга келди, улар совет социалистик тузум туфайли пайдо бўлган янги ўзбек совет адабиётини Бутуниттифоқ миқ'ёсига олиб чиқмоқдалар. Эндиликда, революциядан сўнг ўтган вақт ичида, социалистик миллат бўлиб шаклланган ўзбек халқи ичидан етишиб чиққан Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Ўйғун ва Зулфия каби сан'аткорлар ижоди Совет Иттифоқининг деярлик ҳамма ерига ёйилди, ҳатто чет элларда халқ демократияси мамлакатларига ма'лум бўлди.

Бутуниттифоқ совет ёзучиларининг биринчи с'ездидан сўнг то иккинчи с'езд арафаси бўлган ҳозирги кунгача ўтган вақт ичида ўзбек совет адабиётида янги-янги ижодкорлар пледяси етишиб чиқди: Амин Умарий, Султон Жўра, Темур Фаттоҳ, Зафар Диёр каби талантли шоирлар нетидан Ҳамид Ғулом, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор ва Эгам Раҳим сингари ёш ижодкорлар адабиёт майдонида кўзга кўриниб бормоқдалар.

Ана шу янги, ёш талантлар қаторидан илғор ўринлардан бирини ишғол этган шоир Ҳамид Ғулом бирнеча шеърий китоблар автори ҳисобланади. У, 30-нчи йилларнинг иккинчи ярмида вақтли матбуотда ўз поэтик асарлари блан кўзга кўринабошлади. Биз бу мақолада фақат унинг «Ҳайкал» (1943), «Салют» (1945), «Ватан қуйлари» (1949), «Янги боғ» (1951) ва кўпроқ энг сўнги «Даламизга келинг» (1954) китобларига кирган айрим шеърларининг гоявий-бадиий мундарижаси устида тўхтаб ўтамиз. Бунда, албатта шоир олдига поэтик маҳоратни ўстиришга жиддий эътибор бериш талаби қўндаланг қилиб қўйилади. Чунки, Ҳамид Ғулом анча чиниққан, етук шоир. Шунинг учун бундай талабни қўйиш мутлақо тўғри.

Нима учун шоир Ҳамид Ғулом олдига шундай талаб қўйилаётир? Бунинг сабаби кейг китобхонлар оммасига ма'лум. Чунки, сўнгги йилларда Ҳамид Ғулом поэзиясида бадиий маҳорат даражаси эволюцион равишда такомил топмаётир. Чунки, унинг кейинги вақтларда яратган шеърларининг гоявий-бадиий қувватч аввалги ёзган асарларидан паст, туссиз бўлиб чиқмоқда. Ҳамид Ғуломнинг ўзи «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Социалистик реализм поэзияси учун» (1954 йил 22 июль) мақоласида жуда тўғри та'кидлаб кўрсатганидек, кўпгина талантли шоирларимизнинг шеъри юзакиштириб, жўн қилиб юборaётганига чидаб туриш мумкин эмас. Бу гап, даставвал, Ҳамид Ғуломга ҳам тааллуқлидир.

Кенг китобхонлар оммаси шоир Ҳамид Ғуломнинг севикли она-Ватан ва унинг мудофааси ҳақида ёзган «Ватан», «Бир жуфт қайрағоч», «Украина шеърлари», «Украина еллари» («Ҳайкал» китобида), «Ватанда» («Ватан қуйлари» тўплами) каби шеърларини, совет кишиларининг меҳнати ва бахтини куйлаган «Сапобар», «Турсунойнинг сафари» («Қўшиқларим») циклларидаги асарларини, кўпчилик ёд қилиб олган «Ўйлаб қарасам» каби шўх, ўйноқи, юракни қитиқловчи шеърларини яхши билади. Бу шеърлар кишига завқ бағишлайди ва китобхоннинг эмоционалъ туйғусини ўйғотади. Бу шеърларда энг муҳими юрак бор, поэтика бор, поэтик образ бор. Ҳамид Ғуломнинг 1942 йилда — уруш даврида ёзган «Ватан» шеърида совет кишилари нима учун ўз социалистик Ватанини ҳаддан ташқари севади ва жонажди блан кўриқлайди, деган саволга шундай жавоб берилади:

Бу ватанда дилором қўшиқ,
Йигитликка куй бор, ялла бор.
Бу ватанда знёга тўлиқ
Оппоқ тонг бор, саҳар палла бор.
Бу ватанда номус, муҳаббат,
Севинш бор, кулки бор, завқ бор.
Бу ватанда масрур то абад,
Саодат бор, ишқ бор, шавқ бор.

Бу шеърда поэтик образ, мусиқийлик бор! Шоир душманга — гитлерчи босқинчиларга юқоридаги поэтик мисра'лар блан нафрат, та'на тошларини отар экан: «Сен билмайсан буни, эй мал'ун» деб хитоб қилади. Бу сатрларда лирик қаҳрамон — шоирнинг «Мен»и умумлашган образ сифатида бутун совет кишисининг овози бўлиб эшитилади. Ёвуз душман яна шундай бахтиёрлар юртининг бахт-саодатига чиқ солади:

Оғзи қон ҳар бўри, қутурган жаллод.
Шу ерда ма'сумлар боғини кесди.
Бир жуфт қайрағочнинг шохига,
ҳайҳот,
Муштипар онани золимлар осди...
Шуларни кўрганда бир жуфт қайрағоч,
Барглари сарғайиб, тўкарди ҳазон...
(«Бир жуфт қайрағоч» шеъри, 1942 йил).

Мана бу сатрларни ўқиган ҳарбир совет ватанпарвари нафратга тўлиб, душманга қарши ҳамла қилгуси келади.

Урушдан кейинги тинчлик йиллари бошланади. Голиб совет халқининг фарзандлари она-Ватанни ва Ғарбий Европа халқларини фашизм балосидан озод қилиб, юртларига қайтадилар. Шоир Ҳамид Ғулом «Ватанда» шеърида (1946 йил) голиб ватанпарварларнинг қайтишини, унинг ўз Ватанига мислсиз муҳаббатини ҳам янги-янги, оригинал поэтик образларда бераолган.

Энди, 1947 йилда ёзилган «Ватан» шеърини олиб кўрайлик. Шоирнинг айни бир вақтда ёзган «Сенинг тасвирингга сўз тополмадим» шеърида «Сенинг тасвирингга сўз тополмадим, жаҳон сўзхонаси, азизим Ватан...» дегандек, ҳақиқатан ҳам «Ватан» шеърида Ватан тасвири учун сўз, поэтик образ тополмайди, тўғрироғи, аввал буни ўддалаб юрган шоир, эндиликда умумий, обстракт мисра'лар блан чегараланиб қолади. Шоир бу шеърда Ватанга хитобан айтилган:

Достон эди тилларда отинг,
Сенда барча тенг ҳуқуқ эди,

каби умумий риторик сатрлардан сўнг, Помир ва колхозга саёҳат қилгани ҳақида хабар беради. Фарғона далаларида қизларнинг ялла айтиб ишлаши тўғрисидаги шаблон, трафарет ибораларни такрорлайди, вассалом. Бу шеърдан ўқучи баҳра олмайди, завқланмайди, балки кўпдан бери ма'лум бўлган оддий ҳақиқатни эшитиб, эснайди, холос.

Ҳамид Ғуломнинг 1951 йилда нашр этилган «Янги боғ» шеърлар тўплами шу номли шеър блан бошланади. «Янги боғ» шеъри сохибкор узумчи Ризамат отага бағишланган. Асарнинг биринчи қисмида бу уста боғбоннинг қандай узумлар нав'и ижод этгани қуруқ санаб ўтилади: «Фақат бир узумнинг ўнлаб нав'и бор: чарослар, ҳусайни, мускат, шивирғон...»

Хўш нима бўпти? Бу нав'лар ўзбек боғбонларининг неча асрлардан бери ўстириб келаётган нав'ларику! Бу халқимизга ма'лум-ку! Бу нав'ларни Сталин мукофотининг лауреати Ризаматга нима қилди, нав'ларга қандай янгилик қўшди. Шоир ана шуни агроном тили блан эмас, поэтик тилда айтиб бериб, отоқли сохибкорга халқ ташаккурини билдириши керак эди. Ана шундагина Ризамат оталарни янги-янги ғалабаларга, ижодга илҳомлантирган бўлардик.

Халқимиз: кўчат ўтқаз, боғ ярат, сендан бу ёдгорлик бўлиб қолади, ҳамма сени эслаб, ҳосилингдан баҳра олади, деб айтади. Бу халқ та'бири, ажойиб ибора. яхши насиҳат. Бадиий сўз устаси шу иборани поэтик чўққига кўтариб, янада та'сирлироқ, янада чуқур ма'ноли қилиб айтсагина кишининг юрагига бориб етади. Акс ҳолда: «Нима бўпти, буни ўзимиз ҳам эштинамиз. ўзимиз ҳам биламиз. деб қўяқолади. «Янги боғ» шеърида ҳам шундай ҳол юз берган. Ҳамид Ғулом халқнинг бу ҳикматли ибораси, яхши насиҳатини поэтик тил блан айтаолмайди, балки:

Иқбол мевасини тотир озод халқ,
Ва мева эккандан қолар яхши от,

деб қўяқолади. Демак, шоирнинг айтмоқчи бўлган фикри бадиий формага кирмапти. Шеърдаги:

Боғда пахтакорлар олади ором,
Ҳозирги ғўдаклар катта бўлади,
Янги қиҳолларни экади улар,
Отахон, боғингиз яна тўлади.

Ёки:

Амин бўлинг, уста, уруш бўлмайди,
Соқчи чегарада ҳушгёр турипти,
Голиб мамлакатнинг мовий кўкида
Пўлат қушларимиз учиб юрипти.

деган тўртликлардаги ма'ноларни жиддий ўйлаб кўрайлик. Биринчи тўртликда нима янги гап бор, қандай образ бор? Ҳечқандай. Шоир, боғбонга қараб: сиз гуллатган боғда колхозчилар дам олади, ҳозирги ғўдаклар катта бўлгач, ишингизни давом этдирадилар. дейди, холос. Шу фикрни яхши бадиий формада, оригинал, оҳари тўкилмаган эпитетларда, хуллас, образли тилда айтиш мумкин. Бунинг учун шоир Ҳамид Ғуломда куч ҳам, маҳорат ҳам етади, фақат қунт, ижодий изланиш етишмайди.

Иккинчи тўртликда шоир, боғбонга мурожаат қилиб: эй боғбон ота, қўрқманг, уруш бўлмайди, чегарада аскарларимиз кўп, ҳарбий техникамиз бор, дейди. Аввало, ота уруш ҳавфи блан ташвишга тушган эмас, шунингдек, у (сохибкор) ватанимизнинг ҳарбий қудратини яхши билгани учун «тинчлантируччи» бу гапларга эътиёж ҳам сезмайди. Шоир тинчлик кучларининг қудратини, СССРнинг мудофаа қувватини та'кидлаб ўтмоқчи бўлар экан, шунга муносиб бадиий форма топаолсин. Акс ҳолда, бундай мисра'лар «у қулоғдан кириб, бу қулоғдан чиқиб кетучи» сўзлар тизмаси бўлиб қолади.

Совет Иттифоқининг куч-қудрати, унинг тинчлик посбони эканлиги, совет халқларининг тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашлари ва фидокорона меҳнатининг мадҳи худди шу тўпламда бор. Бунга «Қўшиқларим» циклидаги шеърлар, «Гўзал Фарғона», ва «Асака ялласи» каби қўшиклар мисол бўлаолади. Шоир «Янги боғ» шеърида ҳам ёрқин бадиий воситалар блан Ризамат отанинг тинчлик курашига зўр ҳисса қўшганини қуйлаши керак эди.

Кейнги йилларда бадиий маҳоратни ошириш масаласига катта эътибор берилмоқда, марказий, республика матбуоти саҳифаларида ҳам, бадиий кенгашларда ҳам шоирлар олдига талайгина талаблар қўйилди. 1951 йилда Москвада ўзбек сан'ати ва адабиёти декадаси бўлиб ўтди. Пойтахт жамоатчилиги, отоқли сан'аткорлари, танқидчилари олдида ўзбек поэзияси ҳам синовдан ўтди. Ўзбек шоирлари олдига ҳақли талаблар қўйилди. Ҳақиқатан ҳам, А. А. Жданов айтгандек, халқимизнинг бадиий завқи, диди кундан-кун ўсиб, талаби ошиб бормоқда. Шундай бўлгач, Ҳамид Ғуломнинг бу йил нашр эттирган янги китоби — «Даламизга келинг» шеърлар тўплами талаб-га жавоб бераоладими, йўқми?

Бунга тўппа-тўғри жавоб бериш керак — йўқ. Албатта, тўпламдаги муваффақиятли чиққан айрим шеърлар бундан мустаснодир. Тўпламни бутун ҳолида баҳоласа, шоир сўнги вақтларда ўз бадиий маҳоратини ошириш учун интилмаганини афсусланиб қайд этишга тўғри келади.

Яна, китобга сарлавҳа бўлган «Даламизга келинг» шеъридан бошлайлик. Шеър КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қишлоқ хўжалиги мутахассисларини МТС ва колхозларга ишга юбориш ҳақидаги чақириғи муносабати блан ёзилган. Бу — жуда яхши ва актуаль тема. Бироқ, бу гоя асарда оригинал бадиий формада қуйилмаган. Шеърни ўқиган киши ҳайрон бўлади. Нима учун? Чунки, шеърда айтилишича: колхозчилар қўшиқ, гурунг блан далага йўл олганда қишлоқ ажойиб тус олади. Қишлоқ хўжалик мутахассислари, агар истаса (?!) шу пайтда келиб бир тамоша қилсин; сўнгра: бизнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонимиз Мамадалини, гўзал колхозчи қизни, тетик Умурзоқ отани кўрмоқни истаган киши ҳам қишлоққа чиқаберсин; яна қуйидаги та'сирсиз мисра'ларни ўқийлик: пахта терими вақтида «Бепоён пахтазор бир конга ўхшар», «Ямғишл даламиз океанга ўхшар», «... Яллани Аҳмад бошлайди, голиб пахтакорлар роса янгратар».

Шунда даламизга келгин, биродар,
Бизнинг одамларни кўрмоқ истасанг;
Сен ҳам улар блан сафда баробар,
Меҳнатнинг завқини сурмак
истасанг!

дейилади ва ниҳоят, кимки ана шундай ўйин-кулги, чиройли манзарани истаса колхозга келаберсин, деган қуруқ, та'сирсиз ҳабар блан шеър якунланади. Кўриниб турипти, шоир партия Марказий Комитети чақириғини ёки тубдан тушунмаган ёки, енгил-елпи шеър блан уни пропганда қилмоқчи бўлган. Ҳамид Ғулом ўз мақоласида ёзучиларимиз «воқ'лигимизнинг революцион ривожини, ҳаётдаги конфликтларни, совет кишиларининг ўз идеялари йўлидаги қаттиқ, фидокорона курашини кўрсатиш ўрнига, халқимизнинг меҳнати ва курашини жўн бир нарса қилиб тасвирламоқдалар, ёки ларимизни йўлдаги машаққатларни саботсиз ва матонат блан енгиш руҳида тарбиялашга аҳамият бермаётирлар» дегани эди. Бу фикрга тўла қўшиламиз. Шу блан бирга бу танқидий мулоҳаза, Ҳамид Ғулом шеърларига ҳам оиддир. Юқорида айтилган шеър юзакилик, компаниячилик, қуруқ чақириқ, қизиқтириш йўли блан қишлоққа ундашга яқиқл мисол бўлаолади. Шоир қишлоқ хўжалиги мутахассисларини агробиологияни колхоз ҳаётига янада чуқурроқ сингириш, механизацияни бундан ҳам юқори даражага кўтариш орқали мўл ҳосил олишга ёрдам беришга чақирса — айни муддао рўёбга чиқган бўларди. Демак, бунинг учун ҳаётий воқиаларни кенг, ҳартарафлама ўрганиш, уни социалистик реализм методи асосида тасвирлашга ҳаракат қилиш керак.

Воқ'ликни юзаки, бир томонлама акс эттириш ҳоллари шоирнинг «Москвамиз», «Бахт ҳақида қўшиқ» ва «Пак Ден Ай сўзларкан» шеърларида ҳам учрайди. Масалан, «Москвамиз» шеърида улуғ пойтахтнинг тинчлик таянчи эканлиги тўғри қуйлансада, тинчлик символи — кабутар образи нотўғри талқин этилади.

«Бахт ҳақида қўшиқ» асарида СССР Конституцияси совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида олиб борган тар

Ҳосилдан қолаётган ғўзани қўшимча парвариш қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилишини та‘минлайлик!

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ



Оққўрғон районидаги Молотов номли колхозининг ўртоқ А. Набиев бошлиқ бригадаси мусобақада олдинда кетаётир. Бригадада ғўза юқори сифатли парвариш қилинаётгани учун серҳосилли бўлиб етишмоқда. **Суратда:** бригада бошлиғи ўртоқ **А. Набиев.**

Қ. Розиқов фотоси.

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ Т. Умарова бошлиқ звеноси ғўзани чеканка қилиб бўлди. Звено а'золари дала ишларини сусайтирмай, ғўзани юқори сифатли парвариш қилмоқдалар. **Суратда:** Звено бошлиғи ўртоқ **Т. Умарова.**

И. Душкин фотоси.

Ўртачирчиқ районидаги Сталин номли колхозининг ўртоқ А. Одинаев бошлиқ бригада а'золари гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. **Суратда:** бригада бошлиғи ўртоқ **А. Одинаев.**

Қ. Розиқов фотоси.

☆ ☆ ☆

Бўкада ғўза парвариши ҳамон суст

БЎКА. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Район раҳбарлари Мичурин номли колхоз тўғрисида гап юритганларида, «бу колхоз камқувват, камҳосилли, қолоқ колхозлардан бири...» деб якун ясайдилар. Агар сиз улардан ана шу камқувват колхозга қандай амалий ёрдам берилаётир, деб сўраб қолгундай бўлсангиз, бу саволга 2-нчи МТС директори ўртоқ Журба биринчи бўлиб жавоб беради. Унинг жавоби қуйидагича:

— «Универсал» етишмас экан, чизел юбордик, бундан ортиқ яна қанақа ёрдам керак...

Қолоқ колхозга ана шундай «ёрдам» бериш блан ишни яхшилаш мумкинми?! Район ва МТС раҳбарлари колхозни қолоқликдан чиқариш учун амалий ёрдам беришлари керак эди. Аммо бундай қилинмаётир. Шунинг учун ҳам Мичурин номли колхоз ҳамон орқада қолиб келмоқда. Колхозда СУЗ етишмаганлиги учун кейинги беш кунликда ўғит солиш графиги 46 процент бажарилган, холос. Ўғитлаш кечикаётганлиги сабабли суғориш ҳам орқада қолмоқда. Колхознинг жуда кўп ерларидаги ғўза чанқаб қолаётгани учун шона ва гулларни ташлаб юбормоқда.

Бу йил колхозда 150 гектар ерга торайтирилган усулда чигит экилган эди. Бу майдонлардаги ғўзани культивация қилиш учун махсус «Универсал»лар ўз вақтида юборилмади. Натижада агротехниканинг бу янги усули колхозда қўпол равишда бузилаётир.

Колхозда хизмат қилаётган 8 та «универсал»нинг ҳаммаси бир хилда тўхтовсиз ва унумли ишламаётир. Айрим кунларда 4 та «универсал» ишласа, бошқа кунларда 5 таси ишлайди. Лекин бригада механиклари уларнинг кучидан унумли фойдаланишга етарли аҳамият бермаётирлар. МТСда кўчма устахона йўқлиги ҳам ишга салбий та'сир кўрсатаётир.

Бўка район партия комитетининг секретари ўртоқ М. Аҳмедов илғор Юсупов номли, «Коммунизм» колхозларидаги яхши ривожланаётган ғўзалар тўғрисида кўп гапиради. Броқ, Мичурин номли, Жамбул номли колхозларнинг ўт босган, сувдан қолаётган, сифатсиз культивация қилинаётган ғўзаларини кўрса ҳам, ўзини кўрмасликка олади.

Мичурин номли колхоз раиси ўртоқ Бобоев қизиқ бир воқиани ҳикоя қилиб берди:

— Районимиз раҳбарлари қолоқ колхозлар тўғрисида қатор-қатор қарорлар чиқаришни яхши кўрадилар. Аммо улар ана шу қарорларнинг бажарилиши устидан ишчиллик блан назорат қилиб бормайдилар. Масалан, бизнинг колхозга МТС томонидан ёрдам бериш тўғрисида бирнеча марта қарор чиқарилди. Лекин бу қарор ҳамон қоғозда қолиб кетаётир.

Мичурин номли колхозга кўрсатилаётган «ёрдам» Жамбул номли колхозга ҳам кўрсатилмоқда. Бу колхозда 465 гектар пахта майдони бор. Тўғри, колхозда ишчи кучи кам. Шундай экан, колхозга механизация блан кўпроқ ёрдам бериш, шу йўл блан ғўза парваришини кучайтириш мумкин эди. Бу колхоздаги 7 та трактор тез-тез бузилиб қолаётгани учун 2—3 тракторнинг ҳам ишини бажаролмаётир. Колхозда ишлаётган тракторларнинг ўртача иш унуми 2—2,5 гектарданга тўғри келади. Бундан МТС директори хабардорми? Албатта хабардор. Лекин МТС раҳбарлари колхоз правлениеси блан биргаликда механизаторларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар.

2-нчи МТС зонасидаги Тимирязев номли, Карл Маркс номли колхозларда раҳбарлари айрим далалардаги бўйчан ғўзаларни кўриб ўзларини юпатиб юриптилар. Лекин улар катта-катта майдонларда ғўза ўсишдан қолаётганлигини яширмоқдалар. Тимирязев номли колхозда 200 гектардан ортиқ ердаги ғўза қўл учида парвариш қилингани учун эндигина ҳосилга кираётир. Ахир июль ойи тугаб бормоқда. Шу вақтгача яхши ҳосил олмаган ғўзани қачон бўлиқ ғўзалар қаторига етказиб олиш мумкин?! Бу колхозларнинг раҳбарлари ҳозирги пайтда шу тўғрида ўйлашлари, август ойида ғўза парваришини янада кучайтириб, манбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун амалий тадбирлар кўришлари керак.

Бўка районидаги колхозларни бирмабир айланиб чиққан киши ҳали ҳам жуда кўп ерлардаги экин тўла ҳосил олмаганлигини яққол кўради. Районда илғор ҳисобланган «XIX партс'езд» колхозида ўсишдан орқада қолаётган ғўзалар бўлса ҳам, колхоз раҳбарлари, «энди чеканкага тушдик, буёғи бўлаверади...» деб хотиржамлик кайфиятига берилмоқдалар.

Район партия комитети МТСлар блан колхозлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан контрольлик қилмаётир. Бундан фойдаланаётган МТС раҳбарлари ва айрим колхоз раислари дала ишларининг юқори сифатли бўлиши тўғрисида мутлақо қайғирмаётирлар. Қайси колхозга борсангиз, «ғўзамизни фалон марта культивация қилдик, фалон марта чопиқдан чиқардик» дейдилар-у... лекин ғўза тупларида кўсак жуда кам. Ўтган йили шу вақтда район колхозларининг кўпчилик ерларидаги ҳар туп ғўзада ўртача 4—5 тадан кўсак етиштирилган бўлса, бу йил ўртача 2—3 таданга ҳам етказилгани йўқ.

Қолоқликдан чиқиш учун ҳозирги вақтнинг ҳарбир соатидан тўла ва унумли фойдаланиш, ҳарбир пайкалдаги ғўзанинг аҳволига қараб табақалаб парвариш қилиш керак.

Шу кунларда бутун совет халқи каби областимиз меҳнаткашлари партимиз Марказий Комитети июнь Пленуми қарорида кўрсатилган вазифаларни шараф блан бажариш учун курашаётирлар. Бўка районидаги раҳбарлари барча қишлоқ хўжалик ходимларини ғўза парваришини тобора кучайтиришга сафарбар этишлари, механизация кучидан тўла ва унумли фойдаланишга эришиш учун курашишлари керак.

Республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ишлаётган пахтакорлар ва механизаторларнинг тажрибасини кенг пропаганда қилиш колхоз партия ташкилотларининг шу кунлардаги энг муҳим вазифасидир. Район колхозларида ишни шу куннинг талабига мувофиқ олиб бориб, ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириш ва мўл ҳосил етиштириш учун курашиш керак.

Т. ОРИПОВ.

Кўчма мастерскойлар иши яхшилансин

ГУЛИСТОН (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Пушкин номли колхоз раиси ўртоқ С. Мингтоев 3-нчи МТСга роса телефон қилди.

— Алло, алло МТС, МТС... алло... МТС, 3-нчи МТСми? Хайрият. Ким бу?.. жуда яхши, ўртоқ секретарь, менга директор керак, жуда зарур ишим бор. Колхозимизнинг 9-нчи бригадасида...

Секретарь раснинг сўзини охиригача тингламай «директор йўқ» деб трубкани шартта илиб қўйди. Мингтоев телефонни яна тез-тез бурай бошлади.

— Алло МТС, ўртоқ секретарь, алло... алло...

Зарда блан трубкани олган МТС секретари:

— Нима дейсиз ахир, директор йўқ. Мастерскойда дедим-ку, қанақа одамсиз?

— 9-нчи бригадада 38-нчи трактор бузилиб тўхтаб қолди. Илоҳи бўлса директорни чақиртириб берсангиз.

— Мен рассильний эмасман, — деди секретарь. Яна трубкани илиб қўйди.

Раис яна телефонни жиринглатиб:

— Бўлмаса участка механиги В. Кимни телефонга чақириб қўйинг.

— Йўқ...

Телефон яна узилди.

Хуллас телефон блан бир иш чиқмади. Тасодифан колхозга МТС директори Книш, райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари Назаров ўртоқлар келиб қолди. Раис уларни 9-нчи бригадада тўхтаб колган 38-нчи трактор олдига олиб борди.

Дарҳақиқат колхознинг ўртоқ Қулманов бошлиқ 9-нчи бригадасида аҳвол чатоқ. 525 гектар ердаги ғўза, аввало ердан зах тепиб, ўсишдан қолди. Зах бирмунча қочирилгандан сўнг эса ғўза қатор оралари вақтида ишланмади. Бунга трактор агрегатининг графикка мувофиқ ишламаслиги сабаб бўлмоқда. Бу бригадада хизмат қилаётган 38-нчи трактор тез-тез бузилиб қолади. Кейинги safar у сурункасига 8 кун тўхтаб қолди. Участка механиги В. Ким бу трактордан сра хабар олмайди.

Раис бу ҳақда МТС директори Книш ва райком секретари Назаров ўртоқларга арз қилди. Улар, участка механигини юборамиз, у кўчма мастерской блан шу ерда туради, деб ва'да бердилар.

Дарҳақиқат, директор фармони блан бўлса керак, участка механиги В. Ким кўчма устахона блан етиб келди-ю... дарҳол қайтиб кетди. Аммо трактор тузатилмади, даладаги иш тўхтаганича қолаберди.

Бу—трактор механиги ва унинг ихтиёридаги кўчма мастерскойнинг иши, Гулистон районининг айрим жойларида трактор агрегатларига далада техник хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаганидан дарак беради. Айни ҳолда механик В. Ким гоят мас'улиятсизлик қилган. Бу ғўза парваришининг ҳозирги ҳал қилучи даврида анча ёмон оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Гулистон районидаги 3-нчи МТС раҳбарлари кўчма мастерской ходимлари ўртасида мустаҳкам интизом ўрнатиши, далага чиқарилган техниканинг бетўхтов, унумли ишлаши учун бутун тадбирларни кўриши, техника хизматини яхшилаши керак.

Б. ХАЛИЛОВ.

Ҳосил тўплаш ойлиги илғорлари

ЧИНОЗ. Агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда чигитни эрта эккан ва қатор ораларига ишлов беришни намунали уюштирган илғор колхозлар ғўзаларни чеканка қилишни тугалламоқдалар.

«Қизил Октябрь» колхозининг Х. Алдаев, Н. Бўрибекова, Каганович номли колхознинг А. Иброҳимов, Т. Қурбонбеков ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалари 20—30 гектарлаб ердаги ғўзани сифатли қилиб чеканкадан чиқардилар.

Районнинг Сталин номли, Ленин номли ва бошқа колхозларида ҳам чеканка сифатли ўтказилаётир.

Д. Ортиқов,
Н. Саидов,
Ю. Рустамов.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Ворошилов номли колхознинг А. Шерғозиев ва М. Қаюмов ўртоқлар бошлиқ бригадалари ғўза парваришини намунали уюштириб, июль ойи графигини ошириб бажардилар. Натижада бу бригадаларнинг ғўзаларида мўл ҳосил етишмоқда. Бригада а'золари эришилган дастлабки муваффақиятлар блан кифояланмасдан ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар.

М. Эржигитов.

* * *

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК. Шверник номли колхознинг ўртоқ Б. Бобоев бошлиқ 7-нчи бригада а'золари ҳосил тўплаш ойлигида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бригада а'золари 56 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан она-Ватанимизга 40 центнердан «оқ олтин» топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажариш учун курашиб, ғўзага 5 марта комплекс ишлов бердилар.

Қулмамат Ҳасанов ҳамда А. Аҳтубаев ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли звеноларнинг ўз участкаларида мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ф. Боймирзаев.

Бу йил янада мўл ҳосил етиштирилади

3-нчи «Боёвут» совхозининг олтинчи бўлимига қарашли ўртоқ Ф. Саидов бошлиқ бригада а'золари ўтган йили 60 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан 34 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Улар бу йил 62 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Бригаданинг ҳамма майдондаги ғўзаси 5 культивация ва 4 кетмон чопигидан чиқарилди ва қондириб суғорилди. Бригаданинг илғор ишчиларидан Х. Тоштемирова, У. Мустафоева ўртоқлар қунлик нормани 2 — 2,5 баравар бажариб, намуна бўлмоқдалар.

Сувчилардан Эсонота Расулев, Ҳамлам Олтибоев ўртоқлар эгатларга пай усулида сув тарамоқдалар. Бригадада мўл пахта ҳосили етиштиришда универсалчи ўртоқ Асоновнинг хизмати катта. У ҳозирги мас'улиятли кундарда ғўзаларни меҳр блан парвариш қилмоқда.

Илғор бригаданинг ғўзани юқори сифатли парвариш қилишдаги иш усули бўлимнинг бошқа бригадаларига ҳам кенг ёйилмоқда. Шу кунларда 6-нчи бўлимнинг ишчилари культивация, чопиқ, озиқлантириш ва суғориш ишларини намунали ўтказиб, барча майдонларда биртекис мўл ҳосил етиштираётирлар.

Г. СУВОНҚУЛОВ.

«ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ, ДЎНДИРАМИЗ...»

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз (раиси ўртоқ А. Шорахмедов) раҳбарлари ғўза парваришида сон орқасидан қувиб, иш сифатига э'тибор бермаётирлар. Ҳозиргача колхознинг асосий майдондаги ғўзаси 5 марта культивация қилинган бўлса ҳам, унинг ҳосил олиши талабга мутлақо жавоб бермайди.

Колхознинг илғор ҳисобланган Носирхўжа Усмонов, Хайитохун Хошимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида шу вақтгача 1—2 тадан ҳам кўсак олмаган ғўза кўп. Шунга қарамай бригада бошлиқлари раиси, раис эса район раҳбарларини «хотиржам бўлинг, дўндирамиз...» деб қўйниларини пуч ёнғоққа тўлдириб келмоқдалар. Аммо улар культивация, чопиқнинг сифатли бўлиши тўғрисида сра ўйламаётирлар.

(Мухбир хабаридан).

Сводка «100», гўё ишлар соз,
Камчиликни кўрсатмас қоғоз.

Броқ ғўза камҳосил, нимжон,
Кўрган киши бўлади хайрон.

Парваришнинг сифати ёмон,
Раис бўлса мақтанар ҳамон.

ҲОСИЛ

ОЧЕРК

. . . Ўша кундан бошлаб Мусулмонқул аканинг юрагига ғулғула тушди. Кам гап ва тинимсиз бўлиб қолди. Уни кўпроқ ҳосил ташвиши безовта қиларди. Тонг ғира-шира ёришгандан то қош қорайгунча пайкалма-пайкал, эгатма-эгат юриб, ҳарбир туп ғўзанинг ўсишини, ҳосил тугишини кузатади, шона, гул ва кўсакларни санаб чиқади. Гоҳ кетманчилар орасида, гоҳ тракторлар ёнида пайдо бўлади, дам кетман кўтариб, сув бошига югуради. Ишга бутун вужуди блан берилиб кетганидан саратонининг узун кунлари қисқа туйилади. Раснинг ўша кунги «колхознинг бирёқ юки елкангизда, ташлаб юборманг яна» деган сўзлари сра хаёлидан кетмайди. Ба'зан шуни ўйлаб, ўз-ўзидан қувониб кетади. 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топшириш юзасидан олган мажбуриятини эслаб гайратланади.

Худди ўша куни Мусулмонқул ака қаерга қачон сув қўйиш муддатини белгилаш учун эгатларни оралаб юрган эди. Пайкалнинг у томонидан кўк йўргасини елдириб, раис келиб қолди.

— Ҳорманг, ўртоқ бригадир?

— Саломат бўлинг, келинг.

— Хўш, ишлар қалай,— отдан тушар экан сўради раис.

— Ишларимиз мана, кўриб турибсиз.

— Мусулмонқулақа қўлини ўқ қилиб пайкални кўрсатди.

Кенг, ям-яшил дала қуёшнинг олтин шу'ласида мавжланади. Биртекис бўй тортиб, рангба-ранг гуллардек безанган ғўзалар «мана мени кўр, хуснимга тўй» дегандек майин тўлқинланади. Гулдор гилам тўшалгандек сидирга чўзилган пайкалнинг нариги томонидаги кишини кўз аранг илғ'ади. Ғўзалар тобора бўй чўзиб, яшил яproқларга қалинроқ бурканаётгандек кўринади.

— Июль — барака ойи, ҳосил ойи,— деди раис, пахтазордан кўз узмай.

Ҳа, июль — барака ойи, пахтакорлар уни шундай деб аташади. Июль қуёшининг ёрқин жамоли, юксак ҳарорати, ғўзанинг томир-томирларига сингдириб оқизилган ҳарбир томчи сув, ҳазм қилдириб солинган ҳарбир килограмм ўғит, қатор ораларига урилган ҳарбир кетмон —буларнинг ҳаммаси ҳосилга барака киритади. Қуёш нуридан бахраманд бўлган ғўзаларнинг томирлари ердаги озуқачи иштаҳа блан шимириб, танасига узатади, шоналар кетидан янги шоналар пайдо бўлади. Кечаги шона бугун гулга, кечаги гул тугунчага айланади. Тугунчалар эса «йўргак»ларини ташлаб, тўлишиб, тўқ ва салмоқли кўсаклар ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам июльнинг ҳарбир куни колхозчиларнинг қувончига олам-олам қувонч қўшади.

Бугунги тонг айниқса Мусулмонқул ака бригадасининг а'золари учун кечагидан ҳам наш'али ва қувончли бўлди. Уфқдан жилмайиб бош кўтарган қуёш, уларни ҳаммадан олдин чеканкага тушганлик блан табриклади. Ҳозир теримчилар сингари кенг пайкалга таралиб, эгатларни оралаб чеканна қилаётган кол. ҳозчиларнинг руҳидаги шодликни, кўнгилларидаги қувончни кўрсангиз. . .

Раис атрофга — қаторларга, ишлаётган колхозчиларга, культивация қилаётган ва СУЗ блан ўғит солаётган «универсал»чиларга, пайкалнинг нариги томонидаги кишини кўз аранг илғ'ади. Ғўзалар тобора бўй чўзиб, яшил яproқларга қалинроқ бурканаётгандек кўринади.

Шу кунларда яхши парвариш қилиниб, жилдиратиб — қондириб суғорилаётган ғўзалар белга уради. Раис ана шу ғўза қаторларини ёриб, эгат оралаб борар экан, ғўзаларнинг поя ларини эгиб бақувват, пишиқ шохлари, шона ва гулларини қўздан кечирар, энгашиб, тўқ яшил барглар орасидан мўралаб турган кўсакларга назар ташлади.

Ғўзалар бўлиқ, серҳосил. Ҳарбир тупда матонатли меҳнатнинг кучи, механизациянинг фазилатлари, ўз вақтида усталик блан амалга оширилаётган агротехника олимларининг самараси яққол кўриниб турипди. Ғўзалар сададек атрофга шох ташлаб, бир-бирига кириشиб кетган. Ҳар шохда гуж-гуж шона, гул, кўсак.

— Ғўзаларингизнинг кўки яхши-ю, «юки» енгилроқ, — раис қаддини ростлаб, бригадирга синовчан назар ташлади.

— Юки енгил?!. Йўғе...

Мусулмонқул ака кўзларини катта очиб раисга қаради.

— Жуда ҳам енгил эмас, — у бир туп ғўзани эгиб кўрсатди — шонасини, гулини қаранг, кўсагини кўринг.

— Ҳалч, кўриб, кўрмана бергудек эмас. Кеча 7-нчи бригадада бўлдим. Юзцентнерчи Нишонбой ота Қурбонов, Соли Назаров звеноларининг ғўзаларини кўриб «офарин» дейсиз. Ва'даларини ҳақиқатга айлантираётганларидан қувона, сиз. Ҳарбир туп ғўзада 10 тагача етилган кўсак санадим.

— Бизда ҳам росманасидан 7 — 8 та бор. Агар, данакдек, ундан каттароғини ҳисобласак уларникидан ошиб кетади. Яна, уларда етилаётган кўсак жуда катта бўлса, беш граммликдир — Мусулмонқулака савол бергандай раснинг чеҳрасига қаради. У, бошини сарак-сарак қилиб сўзида давом этди.

— Йўқ, ҳозир 4—5 грамм ўртача ҳосил бўлиб қолди. Бизнинг кўсакларимиз 6—7 граммдан ҳосил беради. Қаранг, ҳарбиттаси ёш боланинг муштидай келади-я.

— Қани энди «уч тонналик» қилиб етиштирсангиз, — деди раис, «уч тонна» сўзига алоҳида урғи бериб — Ана ўшанда, «балли» дердик, — раис киноя қилиб қўйди.

«Қоқ мўлжалга урди-ку?» деб ўйлади Мусулмонқул ака. Юрагининг бир чеккаси «жиз» этгандек бўлди. Авзоли ўзгарди. Пешонасидан қуйилиб оқаётган терни сидириб ташлаб, раисга қаради. Раис мулойим жилмайиб, унга тикилиб турарди. Тик қарашга ботинолмади. Бир нарса елкасидан қуйи босаётгандек кўзларини ғўза барларига тикди.

Мусулмонқулака ҳечқачон ҳозиргидек хижолат тортмаган эди. У, шу колхозда 17 йилдан буён узлуксиз бригала бошлиғи бўлиб ишлайди. Бирон йил йўқки, гектаридан 30 центнердан кам ҳосил берган бўлсин. Ҳамиша планни ортдириб бажарарди. «Билимдон пахтакор» деб ҳамма унга қойил қолар ва ҳурмат қиларди. Ба'зи кексаларнинг айтишича ўтган йили унга «кўз тегди», план тўлмади. Биргина Бекмуродов бригадаси эмас, Каганович номли колхоздаги кўпгина бригада ва звеноларнинг, умуман колхоз ҳам пландаги ҳосилни топшираолмади. Мусулмонқул ака, ўтган йили ҳам ҳар йилгидек баҳорга пахта тайёрланди. Чигитни текис ундириб олиб, ғўзаларни ёз бўйи диққат ва ҳафсала блан парвариш қилди. Аммо, кузда ҳосил кўтарилганда шартномага 3 тонна пахта етмай қолди. Раис ҳозир худди шунга шама қилгандек эди. Бу Мусулмонқул акага қаттиқ та'сир қилди.

«Жуда ориятли-да», — ўйлади раис бошини қуйи эгиб, вазмин қадам ташлаб юраётган Мусулмонқул ака блан ёнма-ён борар экан.

Бу пайт Мусулмонқул аканинг хаёлида фақат пахта, социалистик мажбурият, ор-номус ҳукмрон эди. У, бу йил ўтган йилги хижолатдан чиқиш йўлларини, бригаданинг илгариги шуҳратини тиклаш режаларини ўйларди.

— Қўшимча оқизилаётган «шарбат» ғўзаларга мойдай ёқипти — деди раис, бригадирни юпатаётгандек қўлини унинг елкасига қўйиб, таги нам ғўзаларга ишора қилди, — қаранг, кунинг иссиғида ҳам худди сувга солиб қўйилган бодринг-дай дирқиллаб турипти.

Ҳақиқатдан ҳам қоғиз сув ичган ғўзалар гуркираб, дақиқа сайин яшнаётгандек кўринарди. Мусулмонқул аканинг чиройи очилгандай бўлди.

— Сувда ҳикмат кўп, — деди у, қаторлардаги ғўзаларга меҳр блан тикилиб, — лекин суғоришда ҳам суғориш бор. Бизнинг сувчиларимиз Ширмон Бердибоев, Қайнар Фармоновлар ғўзаларни чуқур эгатлар орқали жилдиратиб суғоришади. Бунда ғўзанинг майда илдизлари сувга тушган сочдек яйраб, қатор ораларига солинган ўғитдан яхши баҳраманд бўлади, тўйган ғўзаларнинг ранги тиниқ ,«бели» бақувват ва серҳосил бўлади.

Шодмонқулов Мусулмонқул ака блан пайкалларни айланди. Суғориш натижалари ҳам уни қувонтирди.

— Ишни бўшаштирманг, — деди у, қўшни бригадага ўтиб кета туриб, — колхозимизнинг бир ёқ юки елкангизда-я. Ташлаб юборманг яна.

Мусулмонқул ака сезгир тортиб кетди. «...бўшаштирманг... ташлаб юборманг яна...» — такрорлади ўзича. Бу сўзлар «ишни бўшаштириб, йил охирида планни бажаролмай шарманда бўлманг яна» дегандек туйилди.

— Ноҳотки бу йил ҳам...

Мусулмонқул ака шундай деб ўйладию ўтирилиб поёнсиз пахтазорга кўз югуртди. Унинг кўз олди миллион-миллион кумуш юлдузлардек кўсакларни ёриб, ям-яшил ғўзалар орасида жилваланиб турган оппоқ мамиқларга тўлди... Тоғтоғ пахта хирмонлари, қатор тизилиб бораётган пахта карвонлари гавдаланди...

— Бўшаштирмаймиз, ташлаб юбормаймиз, — деди у қат'ий ишонч блан.

Ф. СА'ДУЛЛАЕВ.

Редакция почтасидан

„Танқид ҳам эви бланда...“

Ўзбекистон Давлат филармониясининг вакили композитор Дадаали Соатқулов Янгийўлга келди. У, шаҳардаги Ворошилов номли маданият ва истироҳат боғининг ёзлик театр биносида қўйилиши лозим бўлган катта концертнинг ташкилий ишлари блан шуғулланмоқчи эди. Вакил шу мақсад блан аввало шаҳарни айланиб чиқди, эълон ва рекламаларга назар ташлаб, улар орасидан биронта ҳам концерт рекламаларини топаолмагач, та'би хира бўлди-да, парк директори блан учрашиб, икки кун илгари юборилган рекламаларнинг шу вақтгача ёпиштирилмаганлигининг сабабини билмоқчи бўлди.

Мана парк дарвозаси. Унинг атрофи неча йиртилган билетлар уюми блан ифлосланиб ётипти. Дарахтлар ва гуллар тагидан икки ҳафта илгари оқиб ўтган сув чуқурчаларда халқобланиб, қўлмачка айланган. Йўлкалардаги тупроқ ва ҳархил ташландиқлар буерга бирнеча кундан бери сув, супурги тегмаганлигидан дарак беради. Парк этагидаги гуллар эса ўз боғбонидан ноилж, сувсизликдан қовжирайбошлаган. Ёзлик театр биноси олдидаги ёш дарахтларнинг шохлари қаровсизликдан синиб ётипти. Дарахтлардан 5 тупи эса бир йилдан бери сув ичмаганлиги сабабли қуриб қолган. Театр атрофидаги гул ва чимзорлар қовжираб, унинг ичи ва атрофи қоғозлар, турли хил супуриндилар, хашаклар «макони»га айланиб кетган.

Ана, вакилнинг кўз олдида баскетбол «майдони», эссизгина «майдон», сеткалари юлиб ташланган, ўрнатилган ёғочлар қийшайиб, тоб ташлаб қолипти. Волейбол майдончасида эса икки устун сеткасиз ҳаққайиб қолган.

Ўртоқ Соатқулов ортиқ тоқат қилиб туролмади. У, парк директорини қидириб кетди. Афсуски, уни «ердан ҳам, кўкдан ҳам» қидириб тополмади. Ниҳоят, қўлига эндигина супурги ушлаган бир қарияни учратиб сўради:

— Отахон, бошлиқларингиз қаерда?

— Эрталаб кўрган эдим, ўғлим, — жавоб берабошлади, қария, — гулчимиз унга бир қучоқ қилиб гул узиб берди, кейин ясан-тусани блан Тошкентга жўнаб кетди.

— Қайси гуллардан? — ажабланиб сўради вакил.

— Қизиқ эксанси, ўғлим, қайси гуллардан бўларди, мана шу богдаги гуллардан-да. Ў киши та'бларига келиб қолганда, гулларни истаганларича қийрабередилар. Биз яшнаб турган гулларнинг ҳазон бўлганига ачиниб, бу ишингиз ма'қул эмас-ку, хўжайин, десак, «ишингиз бўлмасин, боғнинг хўжайини ўзимман» дейди. Хўжайинимизга Тошкентга бориш, ўйин-кулги бўлса бас...

Соатқулов кеч соат 6 гача кутишга мажбур бўлди. Ниҳоят у, сувлари сасиган ҳовуз бўйида «хўжайин» Карамушко блан учрашиб қолди.

— Рекламалар ёпиштирилмаптими?— сўрашиб бўлгач, деди у:

— Бекорчи гап, — ўзини оқлашга киришди Карамушко, — ҳаммаёққа ёпиштириб ташланган эди, одамлар қўймайди, йиртиб ташлашипти.

Ўз айбини одамлар бўйнига ағдарган Карамушко вакилни ҳайратда қолдирди.

— Туҳматни ҳам эшиб юборадигал бўлибсиз, дўстим. Бошқа рекламаларни йиртмаган одамлар, келиб-келиб концерт рекламаларини йиртишипти-да. Шундай дейишга уялмайсизми, — деди тутоқиб Соатқулов.

Ачучина мунозара ва тортишувлардан сўнг улар идорага кирдилар. Вакил ҳали қаватларига қўл ҳам тегизилмаган рекламаларни чанг босган шкаф тепасидан топиб, Карамушконинг олдига «тўп» этиб ташлади.

— Одамлар йиртиб ташлаган эмиш...

Вакил паркнинг қаровсизлиги, ифлослиги, маданий-маиший ишларга бепарволик блан қараралгилиги ҳақида ған бошлаган эди, Карамушко қизишиб кетди:

— Бўлар-бўлмасга ҳам кишини танқид қилаберасизларми. Ахир, танқид ҳам эви блан-да. Кишининг ме'дасига тегиб кетди шу танқид. Билмадим, «танқид» деган сўзни ким ўйлаб топган экан.

Вакил «хўжайин»га гап уқдириш қийин эканлигини билгач, «хайф, сиздек раҳбарга-е» деди-ю, ўзи ишга киришиб кетди. Эртаси куни қўйилган концерт жуда кўнгилли ўтди. Мингларча гамошабин йиғилди. Лекин парк ҳам, «хўжайин» Карамушко ҳам аввалгисича «қаровсиз» қолаберди. Энди ким уларга бир назар ташлаб қўяркин, парк қачон меҳнаткашларнинг намунали сайргоҳига айланар экан?

Янгийўл шаҳар ижроия комитети ва унинг ободончилик бўлими шаҳар меҳнаткашларининг бу ҳақли саволига жавоб беришлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
И. СУЛАЙМОНОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Газеталар қачон ўз вақтида келтирилади?

Кундуз соат 12 ларда киоска олдига келган 5—6 газетхон киоскер Шариповдан:

— «Қизил Ўзбекистон» газетасидан беринг, — деб сўрашди.

— Бугунгиси йўқ.

— Бўлмаса «Тошкент ҳақиқати» ёки «Ташкентская правда» газетасидан берақолинг?

— Буниси ҳам йўқ.

— Тамом бўлдими?

— Ҳали ҳечқанақа газета келтирилганича йўқ. Қачон келишини ҳам билмайман, — жавоб берди Шарипов, — қўлидаги эски газеталарни юқори полкага қўятуриб.

— Сиз ишни бугун қабул қилганмисиз, — сўради газетхонларнинг бири қизиқсиниб.

— Йўқ ука, анчадан бери ишлайман, броқ июль ойидан бошлаб газета «Союзпечать»да роса «дам» олади-да сўнг киоскаларга келтирилади, — деди Шарипов.

Тошкент темир йўл машинасозлик заводи олдидаги бу 12-нчи киоска кейинги вақтларда ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бу ерда ишчи — газетхонлар кўп. Улар газетадан кундалик янгиликларни ўқишни истаб, Шариповдан газета талаб қиладилар. Броқ Шарипов эса уларнинг талабларини қондиришдан ожиз. Чунки у газеталарнинг ўз вақтида келтирилмаётганлиги ҳақида республика «Союзпечать» ининг директори ўртоқ Бергеновага икки марта акт ёзиб берди.

Броқ акт ҳанузгача ўқилмаган бўлса керакки, газета ҳалигача ўз вақтида келтирилмаётир. 15, 25, 26 июль кунлари ҳам республика ва область газеталари кундуз соат 3—4 ларда келтирилди. 13 июльда эса киоскага «Қизил Ўзбекистон», «Тошкент ҳақиқати», «Ёш ленинчи» газеталаридан бирортаси ҳам келтирилмади.

Бу ердан «Муштум», «Мурзилка», «Смена» каби журналларнинг 5-нчи сонигача топиш мумкин. Журнал ва газеталарнинг қолган айрим сонлари машина «йўқлигидан» «Союзпечать» складида сақланиб турипти.

Октябрь районининг Қўштут, Баландқўприк маҳаллаларидаги ва мол бозоридаги киоскаларга ҳам газеталар ўз вақтида келтирилмаётир. Шаҳар «Союзпечать»ининг раҳбарлари киоскаларга газеталарни ўз вақтида келтиришга амалий раҳбарлик қилиб, газетхонларнинг ҳақли талабларини тўла қондиришлари керак.

Т. ИМОМХЎЖАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.

Финляндия сейми делегациясининг Москвага келиши

СССР Олий Советининг таклифига мувофиқ, Финляндия сейми раиси К. А. Фагерхольм бошчилигидаги сейм делегацияси 28 июльда Москвага келди. Делегация составида сейм депутатларидан В. В. Каасалайнен, Э. Х. Кайтила, К. А. Клеемола, Х. Э. Куусиннен, Т. Э. Нурдстрем, Э. А. Тайнио, Г. Хенриксcон, О. П. Хетемяки, О. А. Хилтунен ва сейм секретари Э. Х. И. Таммиолар келдилар.

Внуково аэродромида делегацияни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси А. П. Волков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси В. Т. Лацис, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси М. П. Тарасов, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, СССР Олий Советининг депутатларидан К. А. Губин, И. А. Каиров, З. А. Лебедева, А. Е. Петрушев, А. С. Чуткихлар кутиб олдилар.

Делегацияни Финляндиянинг СССРдаги Муваккат Ишлар Вакили Р. Энкель ва Финляндиянинг Москвадаги Миссиясининг ходимлари ҳам кутиб олдилар.

Иттифоқ Советининг раиси А. П. Волков ва сейм раси К. Фагерхольм нутқ сўзладилар.

Аэродром СССР ва Финляндиянинг давлат байроқлари блан безатилган эди. (ТАСС).

Совет ҳукуматининг нотаси ҳақида инглиз матбуотининг ёзганлари

ЛОНДОН, 28 июль. (ТАСС). «Дейли геральд» газетаси редакцион мақоласида бундай деб ёзади: «Икки арбобнинг сўнгги совет нотаси ҳақидаги фикрлари Англия ва АҚШнинг халқаро проблемаларга турлича муносабатда бўлаётганлигини жуда ёрқин кўрсата олди. Даллес бу нота Вашингтонда олинишидан илгариёқ уни рад этди. Эттли умум палатасида бу ҳужжатни пухта ўрганишга чақирди. Эттли нотанинг тезликда рад этилмаслигини талаб қилди ва бу нота Европа проблемаларини қараб чиқиш учун янги кенгаш ўтказишга олиб келиши мумкин, деб умид билдирди. Нима учун шундай қилиб бўлмайди? Бўлиб ўтган кенгашлар муваффақиятсиз чиққанлиги учунгина янги кенгашдан воз кечиш керакми? Бу, умидсизликни тарғиб қилишдир. Бу эса, дунёни беҳуда зўр бериб қуролланиш гирдобига ташлайди. Зўр бериб қуролланиш ҳалокат блан тамомланади. Берлинда масала ҳал этилмаганидан кейин Женевада муваффақият қозонилди. Умидсизлик руҳида айтилган ҳамма гапларга хилоф суратда музокаралар яхши натижа берди. Ҳар икки томон бир-бирига ён берди. Бутун ер юзидаги халқларнинг катта кўпчилиги музокараларнинг оқибатини табриклади. Ғарб давлатлари агар кенг жамоатчилик доираларининг ана шундай кайфиятларини менсимаслик мумкин деб ўйласалар, тактика жиҳатидан ҳалокатли хато қилган бўлар эдилар. Совет нотаси қат'иян рад этилган тақдирда бундай фикрлар ҳамма ерда пайдо бўлади. Агар совет таклифлари мақбул деб топилмаса, ғарб ўз таклифларини илгари сурсин».

«Дейли миррор» газетаси редакцион мақоласида Иденнинг «Молотовнинг буюк давлатлар янги кенгашини чақиришга да'вати иттифоқчилар блан маслаҳатлашиш давомида жуда пухта ўрганиб чиқилади», деган баёнотини ма'қуллайди.

Руминия Халқ Республикасининг давлат мукофотлари берилади

БУХАРЕСТ, 28 июль. (ТАСС). Яқинда Руминия Халқ Республикасининг Министрлар совети фан, техника, адабиёт ва san'at соҳасида 1952 йилда бажарилган жуда муҳим ишлар учун давлат мукофотлари бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Министрлар советининг қарорига мувофиқ, 98 кишига Руминия Халқ Республикасининг жам'и 98 та давлат мукофотлари берилди.

ГДР даги антифашист-демократик партиялар ва оммавий ташкилотлар демократик блокининг баёноти

БЕРЛИН, 28 июль. (ТАСС). АДН агентлиги қуйидагиларни билдиради: Берлинда антифашист-демократик партиялар ва оммавий ташкилотлар демократик блокининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда 1954 йил 17 октябрьда бўладиган сайлов муносабати блан қўшма таклифни илгари суриш ҳақида қарор қабул қилинди.

Демократик блокнинг баёнотида айтилишича, Германия Демократик Республикасидаги антифашист-демократик партиялар ва оммавий ташкилотларнинг асосий мақсадлари бирдир. Улар бирлашган, тинчликсевар ва демократик Германияни вужудга келтириш учун бирликда кураш олиб борадилар. Бундай Германияда монополиячиларнинг, банкирлар, помешчикларнинг ва илгарги фашист ҳамда милитарист кучларнинг ҳокимиятига йўл қўйилмайди. Улар Германиянинг ҳарбий шартномалар системасига қўшилишига қаршн, бутун герман давлатининг суверенитети учун, оккупациячи қўшинларнинг олиб чиқиб кетилиши учун курашадилар. Улар хавфсизлик тўғрисида умумевропа шартномасини тузиш учун, Европада тинчликни сақлаш учун, немис халқининг бахтли истиқболи учун курашадилар. Уларнинг кураши мамлакатдаги барча чинакам ватанпарварларнинг манфаатларига жавоб беради.

Баёнотда яна бундай дейилади: Америка ва герман империалистларининг ниятлари унга хилоф суратда Германияни парчаланган ҳолда қолдиришга, Ғарбий Германияни ремилитаризация қилишга ва янги жаҳон урушини тайёрлашга қаратилган. Бу йўл немис халқини йўқ қилишга муқаррар олиб боради.

Герман миллати учун ана шундай катта хавф пайдо бўлган ҳозирги пайтда демократик Германиянинг миллий фронтида барча ватанпарвар ва демократик кучларни янада маҳкам жипслаштириш зарур. Шу сабабдан демократик блокда бирлашган антифашист-демократик партиялар ва оммавий ташкилотлар 1954 йил 17 октябрьда халқ палатасига ва округларнинг советларига ўтказиладиган сайловда ягона сайлов программаси блан ҳаракат қилишга ҳамда демократик Германия Миллий фронти Миллий совети президиумига ягона рўйхат тақдим этишга қарор бердилар.

«ЖАНВА КЕНГАШИДАН ИБРАТ ОЛИБ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ КЕРАК»

ПРАГА, 28 июль. (ТАСС). Чехословакия матбуоти Совет ҳукуматининг Европада коллектив хавфсизлик масаласи юзасидан Франция, Буюк Британия ва АҚШ ҳукуматларига юборган нотасини кенг шарҳлаб ёзмоқда.

«Праце» газетаси бундай деб ёзади: Женвада АҚШдаги ҳукмрон доиралар томонидан қўйилган ғовларни умумий куч блан енгишга ва Ҳинди-Хитойда урушни тўхтатиш ҳақида битим тузилишига эришилди. Эндиликда Женва кенгашидан ибрат олиб, манфаатдор давлатларнинг ўзаро келишуви йўли блан Европани уруш хавфидан қутқазиш ва бу блан бутун дунёга таҳдид қилаётган хавфни йўқотиш мумкин.

«Праце» газетасида та'кидлаб ўтилишича, 24 июльдаги нотада илгари сурилган совет таклифларида энг муҳим нарса шуки, Европада коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Умумевропа шартномаси барча давлатларга нисбатан, улардаги тузимнинг қандай бўлишидан қат'ий назар, жорий қилинади. Европа хавфсизлигининг мустаҳкам гарантияси шундадир.

Агар, — деб ёзади «Праце» газетаси, — давлатлар ўтмишда Европада коллектив хавфсизлик тўғрисида Совет Иттифоқи ҳозир таклиф этаётганидек шартнома тузганларида, Мюнхен воқеаси ҳам юз бермаган, Чехословакия оккупация қилинмаган бўлар эди. Бизнинг халқимиз буни яхши билади.

Бизнинг халқимиз совет, поляк, француз, инглиз, норвеж халқлари блан биргаликда қўлга қурол олиб гитлерчиларнинг «янги Европаси»га қарши курашди. Ҳозирги кунда биз Қўшма Штатларнинг «кичик Европа» сини Ғарбий Европадаги барча ватанпарварлар блан биргаликда рад этамиз ва Европада коллектив хавфсизлик идеясини тамомила қувватлаймиз.

КОРЕЯДА ЯРАШ БИТИМИ ТУЗУЛГАН КУННИНГ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН ТОКИОДА МИТИНГ

ШАНХАЙ, 28 июль. (ТАСС). Япония радиосининг билдиришича, Кореяда яраш битими тузилган куннинг йиллиги муносабати блан, шунингдек Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатлари тўхтатилганлиги муносабати блан кеча Токиода митинг бўлган. Бу митингда мамлакатдаги демократик ташкилотлардан 6 мингга яқин киши қатнашган.

Митингда Японияда корейслар бирлашган демократик фронтининг раҳбари Ли доклад қилган. У, ўтмишда Кореяда тузилган яраш битими каби эндиликда Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларининг тўхтатилганлиги ҳам тинчлик кучларининг ғалаба қилганлиги натижасидир, деган.

Митингда қабул қилинган резолюция тинчлик учун ва халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун кураш олиб боришга чақиради.

ҲИНДИ-ХИТОЙДА МАРКАЗИЙ АРАЛАШ КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

ШАНХАЙ, 28 июль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги қуйидагиларни билдиради:

Женва кенгашида яраш тўғрисида имзоланган битимларни ва Тунг—Жиадаги ҳарбий кенгашда ўзаро келишилган шартларни бажариш мақсадида Вьетнам Халқ армияси ва Ҳинди-Хитойдаги Француз иттифоқи қуролли қучлари олий қўмондонликларининг вакиллари иштироки блан Марказий аралаш комиссия тузилди. Комиссия зиммасига яраш тўғрисидаги битим шартларини амалга ошириш планини тузиш ва бу планнинг бажарилишини кузатиб туриш вазифаси юкланди.

Марказий аралаш комиссия ўз ишини 29 июльда Тунг—Жиада (Шимолий Вьетнам) бошлайди.

ШИМОЛИЙ ВЬЕТНАМДА УРУШНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

ШАНХАЙ, 28 июль. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги билдиради:

27 июльда Вьетнам Халқ армияси олий қўмондонлигининг вакили матбуот конференциясида Вьетнам Халқ армияси Шимолий Вьетнам фронтининг ҳамма участкаларида уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги буйруқни бажарганлигини ма'лум қилди. У, Шимолий Вьетнамдаги барча халқ қўшинлари урушни тўхтатиш тўғрисида бош қўмондонимиз томонидан берилган буйруқни пухта бажардилар ва 27 июль эрта блан соат 7 да ўт очишни тамомила тўхтатдилар, деди.

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТИ А'ЗОЛАРИНИНГ СССРДА БЎЛИШИ

Халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш юзасидан Стокгольм конференциясида қатнашган Япония парламенти а'золари группаси четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг таклифи блан Совет Иттифоқида салкам бир ой бўлди.

Делегация Москвадан ташқари, Ленинград ва Сталинградда бўлди. Делегация совет пойтахтида шаҳарнинг хушманзара жойлари блан танишди, Кремльдаги тарихий ёдгорликларни бориб кўрди, Сталин номли автозаводда, Ленинские горидаги М. В. Ломоносов номли Москва университетида бўлди, шаҳардаги театрлар, концерт заллари ва паркларга борди, Москва номли каналда саёҳат қилди. Меҳмонлар «Динамо» стадионида Бутуниттифоқ физкультурачилар парадини тамоша қилдилар.

Япония парламенти а'золарининг Нисимур Наоми жаноблари бошчилигидаги делегацияси СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. Я. Вишинский томонидан, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари Москва область Совети Ижроия комитетининг раиси А. П. Волков томонидан қабул қилинди.

Япония парламентининг а'золари Москвада бўлган вақтларида В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейини бориб кўрдилар ва Мавзолейга гулчамбар қўйдилар.

Япония делегацияси а'золарининг бу ерда қолган группаси 28 июльда Москвадан ўз ватанига жўнаб кетди. Делегациянинг асосий қисми бундан бирнеча кун илгари жўнаб кетган эди. (ТАСС).

Америка қиручи самолётларининг Хитой самолётларига босмачиларча ҳужум қилишига доир

НЬЮ-ЙОРК, 28 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг Вашингтондаги дипломатик мухбири Гонсалес Хайнань ороли яқинида Америка қиручи самолётларининг Хитой самолётларига қилган ҳужумига тўхталиб, ўз хабарида сурбетларча қуйидагиларни ёзади: Расмий кишилар хусусий суҳбатларида Ҳинди-Хитойда яраш битими тузилишига эришган қизилларнинг ғалабаси натижасида Американинг обрўси жуда тушиб кетган бир пайтда кучни намойиш қилиш Американинг Осиёдаги обрўсини кўтариши керак, деб та'кидламоқдалар. Ана шу расмий кишиларнинг фикрича, бу можара АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиё учун мудофаа шартномаси (я'ни ҳарбий блок. — Редакция) вужудга келтиришига ёрдам беради...».

Чехословакияда жосус ва хоинлар группаси устидан суд

ПРАГА, 28 июль. (ТАСС). Прагада жосус ва зиёнчилар — Рим католик черкави руҳонийлари группаси устидан бошланган суд тамом бўлди.

Прагадаги олий суд Литомержице шаҳридаги собиқ католик епископи Штепан Трохтани, руҳонийлардан Франтишек Рабас, Франтишек Влчек ва Богумил Ландсманни суд қилди. Дастлабки тергов ва суд терговида аниқланишича, айбдорлар 1947 йилдан бошлаб Чехословакияда халқ демократик тузумини ағдариш ва капитализмни тиклаш йўлида актив жиноий иш олиб борганлар.

Айбдорларнинг ҳаммаси ўзларига қўйилган айбларга иқрор бўлди.

Олий суд Штепан Трохтани 25 йил, Франштишек Рабасни 20 йил, Франтишек Влчекни 15 йил ва Богумил Ландсманни 7 йил муддат блан қамоққа ва мол-мулкларини мусодара этиш ҳамда гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум этишга ҳукм қилди.

БИЛДИРИШ

30 июль кундуз соат 5 да, Свердлов номидаги концерт залида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг IV чақириқ X сессияси чақирилади.

Депутатлар театр биносида соат 4 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

КИНО

Ҳушёрликка ўргатучи фильм

Шу кунларда пойтахтимиз экранларида кўрсатилаётган «Буни унутиш мумкин эмас» деган янги фильмда шундай бир эпизод бор:

Данченко деган студент машҳур ёзучи Гармашга ўзи ёзган ше'рини ўқиб беради. Бу ше'рнинг асосида қандайдир мавҳум Украинага бўлган муҳаббат ғояси ётади. Тинчлик учун курашучи, ватанпарвар Гармаш Данченконинг бу ше'рини қаттиқ танқид қилади. У ёрқин мисоллар келтириб, ёш шоирга ўз тақдирини Россия блан абадий боғлаган жонажон Совет Украинасини севишни, уни улуғлаш кераклигини тушунтиради.

Бу эпизод тамошабинга Гармашнинг характерини ва дун'ёқарашини аниқлаб олишга ёрдам беради. Шу блан бирга унда буржуа миллатчиларнинг, четэл разведкачи агентларининг, совет кишиларининг онгини заҳарлашга ҳаракат қилаётган мунофиқ душманларнинг разил мақсадлари ва кирдикорлари фош этилади. Бу фильмда оташин трибун ва жанговар ёзучи Гармаш ролини артист С. Бондарчук ижро этади. У, ўзининг бутун ижодини ўз халқига хизмат қилишдек олижаноб ишга бағишлаган коммунист ёзучининг ёрқин образини яратган. Бондарчук — Гармаш ўз яқинлари ва қариндошларига бўлган муносабатларида чуқур инсоний фазилатларини намоён қилади. Унинг ҳаракатлари дадил ва ҳаққонийдир. У, душманларга дуч келганда ғазаб блан, қат'ийлик блан муомала қилади. Гармаш образидаги кучли ирода, ўз ишининг ҳақлигига бўлган чуқур ишонч уни машҳур халқ қаҳрамонлари даражасига кўтаради. Шунинг учун ҳам душманлар нима қилиб бўлса ҳам Гармашни йўқотиш, ўлдириш пайига тушадилар. Улар энг разил план тузадилар: Гармашни та'қиб қилиш, турли найранглар ишлатиб, ёзучининг уйида оилавий жанжаллар чиқариш орқали Гармашнинг руҳини тушуриш ва уни ғоявий жиҳатдан ожизлантиришга тиришадилар. Броқ улар жанговар ёзучининг темир иродасини синдираолмайдилар. Совет кишилари душманларнинг жиноий ишларини фош қиладилар ва уларни зарарсизлантирадилар.

Артист С. Бондарчук ижросидаги Гармаш тамошабин кўзи олдида фақат бир мартагина халқнинг оташин трибуни сифатида намоён бўлади ва кўп ўринларда атрофида рўй бераётган жанжалларнинг қатнашчиларидан бири бўлиб гавдаланади. Бу ҳол фильмнинг ғоявий қимматига бир қадар путур етказган.

Бу камчиликлар «Буни унутиш мумкин эмас» фильмининг қимматини бирқадар пасайтиради. Броқ бу нуқсонларга қарамай фильм ҳаётимиз учун жуда муҳим бўлган актуал масалаларни акс этдирган бўлиб, ундаги кўпгина образлар реалистик ва тамошабинни ҳаяжонга соладиган даражада усталик блан тасвирланганлиги ва ниҳоят артистларнинг зўр маҳорат блан ўз рольларини бажарганликлари учун совет кишилари томонидан севиб тамоша қилинмоқда.

Фильмда иштирок этучи образларнинг кўпчилиги ёрқин, индивидуал ҳусусиятларига эга. Уларнинг ҳарбири ўзича фикрлайди, ўзига хос ҳаракат қилади. Улар фильмнинг асосий ғоясини очиб беришга хизмат қилади.

Мана тамошабин кўз ўнгида Гармашнинг хотини Анна Семеновна. Бу рольни ижро этучи артист Л. Смирнова душманларга нисбатан бутун вужуди блан нафратланаолучи, ўз халқига, ватанига содиқ бўлган соф виждонли совет кишисининг ёрқин образини яратиб берган. Университет ректори Коршун (артист А. Хвиля), Гармашнинг онаси (артист О. Жизнева), шофер Родион (артист Н. Крючков), Глаша (артист В. Орлова) — буларнинг ҳаммаси жонли, тўла қонли кишилар бўлиб, ўзларининг характерлари, фикр ва интилишлари ҳамда туйғулари блан намоён бўладилар.

Артист В. Ушакова Галина Коршун ролини катта маҳорат блан ижро этган. Галина Ростислав Данченкони севади ва унинг йўлдан адашганлигини, қаттиқ хато қилганлигини кўради. Галина Ростиславнинг тўғри йўлга тушиб олишига ёрдам беради. Галинанинг кўз ёшларини кўрган тамошабин унинг самимий ва соф виждонли киши эканлигига қаттиқ ишонади.

Гармашлар уйига бахтсиз кампир қиёфасида кириб олган ашаддий душман Мария Спиридоновна Бантиш роли артист Е. Гоголева ўйнаган. Дастлаб у ўзини касал, нотавон, беозор кампир деб кўрсатади. Унинг кирдикорлари астасекин очилиб боради. Тамошабин кадрлар ўтган сари Бантишнинг нақадар разил ва нақадар маккор душман эканлигини пайқаб боради. Бантиш кун сайин ўз хўжайинларининг буйруғига мувофиқ Гармаш уйида фисқу-фасод ёғди, жанжаллар вужудга келтиради. У фош қилинади — унинг жосуслик қиёфаси билинади. У кўз ойнагини кўтаради — шунда ютуқларимизни кўраолмовчи, бахтимизга ҳасад блан қаровчи разил кўзлар кўринади.

Режиссёр Л. Луков ҳажжонли воқиаларга бой ва кўпқиррали фильм яратаолган. Фильмда тўрт сюжет линияси бор: Гармаш атрофида содир бўлган драматик воқиалар, Галина блан Ростислав ўртасидаги муҳаббат, Глаша ва Роднон ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ниҳоят душманларнинг фош этилиши. Бу линиялар бир-бирларига боғлиқ бўлишига қарамасдан, асарнинг асосий етакчи ғояси — бир-бири блан мустаҳкам боғланган совет кишилари учун ҳарқандай душман ҳам хавфли эмас деган идеяни очиб беради. Бу идея бутун фильм давомида кўзга яққол ташланиб боради ва у режиссёр учун воқиаларга бой, ҳаққоний ва сиёсий жиҳатдан актуал асар яратишга имкон берган.

Фильмда асосий камчиликдан ташқари майда нуқсонлар ҳам бор. Лекин улар иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, фильм қимматини пасайтираолмайди.

Энг муҳими — «Буни унутиш мумкин эмас» фильми совет кишиларини ҳушёрликка ўргатади, уларни халққа ва партияга муҳаббат, душманга нафрат руҳида тарбиялайди.

Ж. МАЛИКОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 30/VII да **Алишер Навоий.** 31/VII да **Бир севги афсонаси.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза театрининг ёзлик биносида) 30/VII да **Офтобхон**, 31/VII да **Тохир ва Зухра.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундузи), СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли (кундуз соат 3 дан кеч соат 10 гача), «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутгача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 гача), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» янги бадиий фильм — **Буни унутиш мумкин эмас.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 8 гача **Чегарада**, кеч соат 8 ва 10 **Сорренто-га қайтиб кел.**

«РОДИНА» (кечқурун) **Богдан Хмельницкий.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Буни унутиш мумкин эмас.**

«ОКТЯБРЬ» — **Богдан Хмельницкий.**

ПУШКИН номли — **Карл Швалькинг хатоси.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — (кундузи) **Садко**, кеч. қурун **Бизнинг чемпионларимиз.**

ТОШКЕНТ ГЎШТ КОМБИНАТИ

ҳамма иste'молчиларга ҳар куни эрталаб соат 8 дан 9 гача

МУЗ СОТАДИ

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

31 июль ва 1 августда **Қурмангози номидаги Қозоғистон халқ чолғу асбоблари давлат оркестрининг**

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЬЛАРИ

(Демократик ёшларнинг Бухарестда бўлиб ўтган IV Жаҳон фестивали лауреати)

Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Кулеш Бойсентова** ва Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Каукен Кенжатоев** қатнашади.

Оркестрнинг бош дирижёри — Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Ш. Қажгалиев.**

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

1-НЧИ ПРОРАБЛИК ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА

прораблар ва **қурилиш мастерлари (десятниклар), гишт теручилар, сувақчилар, дурадгорлар, бетончилар, электромонтёрлар** ва **ёрдамчи ишчилар**

КЕРАК

Ишчи ва хизматчилар асосий иш ҳақларига 20% миқдорида қўшимча ҳақ оладилар.

Тошкент шаҳар, Социализм кўчаси, 21-нчи уйга эрталаб соат 9 дан кеч 5 гача келиб учрашилсин (трамвайнинг «Шампань винолари заводи» остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва san'at бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 00567. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1403.